Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

№ 42 (171) • 2008 йил 17 октябрь

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

## МЕҲНАТДА ЛАТ ЕГАЧ...

### ЁКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИДАН МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ КАФОЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

***Бизга маълумки, 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили»да қабул қилинган дастур бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни кенг кўламда таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир.***

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлатимиз олиб бораётган сиёсатида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги белгиланган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ва касб касаллигига чалинган ходимларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор кучайтирилган.

Бу соҳага оид муносабатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 286-сон, 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сон ва 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 60-сон қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда.

Бевосита статистик маълумотларнинг кўрсатишича, республика Давлат ижтимоий суғуртаси тўловларининг барча турларига кетадиган умумий молиявий харажатлар йилига ўртача 400 млрд сўмни ташкил этади. Мамлакат бўйича 2007 йил давомида халқ хўжалигининг барча тармоқларида 498 та бахтсиз ҳодиса юз берган. Бу ҳодисалар оқибатида 120 нафар ходим ҳалок бўлган, 517 нафар ходим жабр кўрган, илк бор касб касаллигига чалинган ходимлар сони 30 нафарни ташкил этган.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони ва касб касалликларига чалиниш ҳолатлари қурилиш корхоналарида, кимё ва нефть-газ саноатида, транспорт саноатида аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада ошгани кишини хавотирлантиради. Бундай ҳолатга баъзида корхоналар хусусийлаштирилиб, натижада иш берувчининг масъулияти сустлашгани ҳам сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 сентябрдаги «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги ЎРҚ-174-сон Қонуни ижтимоий ҳимоянинг ёрқин намунаси бўлди. Ҳужжат ўн саккиз моддадан иборат бўлиб, унда Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси, мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қонунчилигидаги асосий тушунча ва вазифалар келтирилган ҳамда мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодасини топган.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан зарар кўрган ишловчи фуқаролар учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Қонуннинг 4-моддасида мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, хусусан, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ва меҳнат шароитларини яхшилаш, шунингдек ишловчи фуқароларнинг соғлиғини сақлаш вазифалари белгиланган. Мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси (суғурталовчи), меҳнат шартномаси асосида ишлаётган жисмоний шахс (суғурталанган шахс) ва жисмоний шахсни меҳнат шартномаси бўйича ишга ёллаган юридик ёки жисмоний шахс (суғурта қилдирувчи) тарафлар деб қаралади. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида суғурталанган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 6-моддасида суғурта қилдирувчи, 7-моддасида эса суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган.

Ушбу Қонун ишлаётган фуқаролар учун давлат томонидан ҳуқуқий кафолатлар таъминланишининг, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади, ижтимоий суғурта тизими янада ривожланишига ёрдам беради.

Қонунда боқувчисини йўқотганлик пенсиялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари туфайли боқувчисини йўқотганлик пенсиялари вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига, яъни фарзандларига, ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун ҳам ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса, улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар, тайинланиши белгиланган.

Мазкур Қонун ишлаб чиқаришда иш берувчилар томонидан ходимларни мажбурий давлат ижтимоий суғурта қилиниши орқали уларни ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларига чалиниш натижасида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитлари ҳолатини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари ва механизмларини қонуний мустаҳкамлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Шунингдек, Қонунда мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш бўйича маблағларни шакллантириш, суғурта тўловлари турлари ҳамда уни олиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг тоифалари аниқ кўрсатилган ва мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси субъектларининг жавобгарлиги ўрнатилган.

Қонунда ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳимояларини ривожлантириш ва янада аниқлаштириш масалалари билан бирга, мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш бўйича маблағларни шакллантириш шартлари ва мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига тортиладиган зарарни қоплаш механизми, ходимнинг, иш берувчининг ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мажбурий ижтимоий суғурта соҳасидаги ваколати ва жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур Қонун ишловчи фуқароларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимояланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан жабрланганларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга, ижтимоий суғурта тизимининг келгусида янада ривожланишига хизмат қилади.

***Дилшод КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди.***

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ПРОТЕСТ БИЛДИРАМАН

**2008 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-184-сон Қонун билан Хўжалик процессуал кодексига (1997 йил 30 августда 478-I-сон Қонун билан тасдиқланган) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»-да чоп этилади).* Улар билан Кодексга мансабдор шахслар томонидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризани тақдим этиш тартибига бағишланган $192^1$-модда киритилди. Ариза кассация шикояти мазмунига қўйиладиган талабларга мувофиқ келиши лозим. У суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан узоғи билан уч йил ичида ҳал қилув қарорининг нусхасини илова қилган ҳолда берилиши мумкин, агар иш апелляция, кассация тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, тегишли инстанция судларининг қарорлари нусхалари ҳам илова қилинади. Уни кўриб чиқиш муддати – бир ой, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса – узоғи билан икки ой. Киритилган ўзгартишларга мувофиқ, протест келтирган мансабдор шахс уни протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олишга ҳақли.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 30 сентябрда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.**

### 2009 ЙИЛ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ

**Президентнинг 2008 йил 2 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» ПҚ-969-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан қуйидагилар тасдиқланди:**

– давлат бюджети маблағлари; бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари; бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағлари; Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари;

– Саудия тараққиёт фонди ва ОПЕК фондининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 2009 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати;

– Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2009 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурлари.

Ҳужжат билан қуйидагилар маъқулланди (2009 йил учун): корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати; тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури; якунига етказилиши зарур бўлган истиқболли инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати.

### ЕРНИ БОҚСАНГ, СЕНИ БОҚАДИ

**Президентнинг 2008 йил 8 октябрдаги «Пахта-банк» ва «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-975-сон қарори** уларнинг аграр секторни ривожлантиришга янги инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиради.

Қуйидагилар ушбу банкларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгиланди: фаол инвестициявий сиёсатни амалга ошириш; шахсий

2-бетда

УШБУ СОНДА
1-2-бетлар Қонунчиликда қандай янгиликлар бор?
3-бет Юридик маслаҳатлар
4-5-бетлар Коррупцияга қарши ҳужжат
7-10-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1336,56 сўм €1 = 1804,45 £1 = 2272,25 сўм ¥10 = 133,79 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
р44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

ресурсларни сафарбар қилиш ва улардан самарали фойдаланиш; инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиш, комплекс баҳолаш ва экспертиза қилиш механизмини такомиллаштириш; кризисли бошқарувнинг замонавий усул ва механизмларини жорий қилиш; қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кенг кўламда банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва бошқалар. «Пахта-банк» ҳамда «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банклари акцияларини ҳужжатга иловаларга мувофиқ ҳажмларда қўшимча жойлаштириш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ИНСТИТУТЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 сентябрдаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари комплекси тўғрисида» 219-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан 2008 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

### ҚОНУН ТАҚОЗО ЭТГАН ЎЗГАРТИШЛАР

2008 йил 22 июлда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ЎРҚ–163-сон Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан **Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 октябрдаги 221-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан ҳукуматнинг 10 дан зиёд қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, баъзилари эса ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.

Чунончи, Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги низом, Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 1-иловаси ўз кучини йўқотди. Унинг 2-иловаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар билан битишувлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартишларга мувофиқ эса, қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказиш энди: савдо майдончаларида содир этилган битишувлар бўйича – қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо ташкилотчилари, бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари томонидан; ва қимматли қоғозларнинг бошқа битишувлари бўйича – қимматли қоғозларни бегоналаштирувчига хизмат кўрсатадиган депозитарийлар томонидан амалга оширилади. Қимматли қоғозлар билан биржа ва биржадан ташқари савдо ташкилотчиларининг савдо майдончаларида эса фақат қимматли қоғозлар ва уларнинг ҳосилалари олди-сотдиси бўйича битишувлар содир этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 410-сон қарорига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, инвестиция фондининг устав фонди у таъсис этилаётганда унинг муассислари улушлари ҳисобига шаклланади ва у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквивалентда 50 минг АҚШ долларини ташкил этиши керак (олдин бу рақам камида 500 ЭКИҲни ташкил этган).

Қимматли қоғозлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган бошқа кўплаб қоидаларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

### ҲАР БИР МИЖОЗГА – ХОС РАҚАМ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 27 сентябрда 1863-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

**2008 йил 7 октябрдан кучга кирди.**

### ПУЛНИ ЎЗИНГИЗ ОЛИБ КЕЛМАНГ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 7 октябрда 622-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 622) *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* қўшимчалар киритилди. Хусусан, Низом нақд пул тушуми ва Марказий банкнинг кўрсатмаларини қабул қилиш тартибини бузганлик учун жазони қўллаш қоидаларини белгилайдиган $VI^1$ бўлим билан тўлдирилди. Чунончи, банк (филиал) кассасига шу банкнинг мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан бевосита ўзи олиб келиб топширган (самонос) йўли билан пул маблағларини қабул қилганлик учун банкдан ҳар бир аниқланган ҳолат учун жарима ундирилади. Тўланган жарима суммаси келгусида банк (филиал)нинг бошқарувчиси, бош бухгалтери ва касса мудиридан солидар тартибда ундирилади.

**2008 йил 20 октябрдан кучга киради.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИНИНГ 2008 ЙИЛГИ 39-СОНИГА ТУЗАТИШ

2008 йил 26 сентябрдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ЎРҚ-183-сон Қонун (392-модда) 1-моддаси 9-бандининг олтинчи хатбошисидаги «бешинчи қисми» сўзлари «тўртинчи қисми» деб ўқилсин.

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 27 сентябрдан 9 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 40-41-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

• РЕКЛАМА

**"Картрижларни Тўлдириш Маркази"**

*муваффақиятингиз учун комплекс ечим*

919-30-40

*картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни*

**ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ**

**7 777** сўмдан бошлаб

**"Trade in"** хизмати

• РЕКЛАМА

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2008 йил 18 ноябрь куни соат 11-00 да ўтказиладиган аукцион савдосига** *Наманган вилоят хўжалик судининг 18.07.2008 йилдаги 16-0805-5145-сонли ижро ҳужжатига асосан Наманган шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган «Нурли Водий Жаҳон» МЧЖга қарашли Наманган шаҳар Уйчи кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар (1994 йилда қурилган, икки қаватли ва ертўласи бор, умумий ер майдони 286,38 кв.м) қўйилмоқда.*

**Бошланғич баҳоси – 200 366 868 сўм.**

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлимидаги МФО: 00223, ИНН: 200933850, Ҳ/р: 20210000600571452072 ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Қўшимча маълумотлар учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.

**Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01, www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 N 000004**

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 14 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 886,25 | 1 Малайзия ринггити | 380,89 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2272,50 | 1 Польша злотийси | 506,32 |
| 1 Дания кронаси | 242,27 | 1 СДР | 2039,65 |
| 1 БАА дирҳами | 363,88 | 1 Туркия лираси | 934,38 |
| 1 АҚШ доллари | 1336,53 | 1 Швейцария франки | 1176,42 |
| 1 Миср фунти | 242,34 | 1 ЕВРО | 1804,45 |
| 1 Исландия кронаси | 13,74 | 10 Жанубий Корея вони | 10,71 |
| 1 Канада доллари | 1136,89 | 10 Япония иенаси | 133,79 |
| 1 Хитой юани | 195,73 | 1 Россия рубли | 51,00 |
| | | 1 Украина гривнаси | 271,26 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 14.10.2008 | 1 | 0,8087 | 1 | 1,1062 | 1 | 0,031 |
| Арманистон | 14.10.2008 | 1 | 307,11 | 1 | 418,16 | 1 | 11,77 |
| Беларусь | 16.10.2008 | 1 | 2114,00 | 1 | 2875,78 | 1 | 80,89 |
| Грузия | 14.10.2008 | 1 | 1,413 | 1 | 1,9254 | 1 | 0,0541 |
| Қозоғистон | 15.10.2008 | 1 | 119,87 | 1 | 163,29 | 1 | 4,59 |
| Қирғизистон | 11.10.2008 | 1 | 37,2708 | 1 | 50,6492 | 1 | 1,4221 |
| Латвия | 15.10.2008 | 1 | 0,514 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0197 |
| Литва | 15.10.2008 | 1 | 2,5329 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,7026 |
| Молдова | 15.10.2008 | 1 | 10,2986 | 1 | 13,9932 | 1 | 0,3934 |
| Тожикистон | 15.10.2008 | 1 | 3,40 | 1 | 4,68 | 10 | 1,3033 |
| Ўзбекистон | 14.10.2008 | 1 | 1336,53 | 1 | 1804,45 | 1 | 51,00 |
| Украина | 15.10.2008 | 100 | 492,00 | 100 | 676,5984 | 10 | 1,886 |
| Эстония | 15.10.2008 | 1 | 11,521 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,440072 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

УШБУ СОНДА:

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Меҳнатда лат егач...
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Глобал миқёсдаги вазифа
– Коррупциянинг «қўллари» қирқилмоқда *1-2, 4-5-бетлар*
• **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Бировнинг машинасидан фойдаланганда
– Ветога ҳуқуқни «олтин акция» беради *3-бет*
• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Афсуски, барча муддатлар ўтган *6-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**
– «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
– «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида». *7-10-бетлар*
• **ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
– Халқаро стандартлар янгиликлари *11-12-бетлар*
• **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** *13-16-бетлар*

# БИРОВНИНГ МАШИНАСИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

***Кўп ташкилотлар бировларнинг транспортидан фойдаланадилар. Уни сотиб олиш ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди, шу сабабли автомобилни ижарага олиш шартномаси тузилади.***

Фуқаролик кодекси *(бундан кейин – ФК)* 34-бобининг **учинчи параграфи транспорт воситасини ижарага бериш шартномасига бағишланган.** Бундай шартномалар, унинг тузилган муддатидан қатъи назар, ҳар доим ёзма шаклда тузилади *(ФКнинг 565-моддаси).*

Аввало битим турини – экипаж билан ёки экипажсиз ижарага беришни танлаш зарур. Агар экипаж билан ижарага бериш шартномаси тузилса, ижарага берувчи нафақат транспорт воситасини ижарага бериши, балки уни бошқариш ҳамда ундан техник фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиши ҳам керак *(ФК 564-моддасининг биринчи қисми).* Иккинчи ҳолда ижарага берувчи фақат транспорт воситасини вақтинча фойдаланишга ижарага олувчига ижара ҳақи эвазига беради *(ФК 564-моддасининг иккинчи қисми).* Бошқа хусусиятлар ҳам мавжуд.

### ЭКИПАЖ БИЛАН ИЖАРАГА БЕРИШ

Ижарага берувчининг зиммасига шартнома амал қилиб турган бутун муддат давомида транспорт воситасини тегишли ҳолатда сақлаш, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлаш мажбурияти юкланади. Бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизматлар ҳажми машинанинг нормал ва хавфсиз ишлатилишини таъминлаши шарт. Бироқ ижара шартномасида хизматларнинг янада кенгроқ доираси ҳам назарда тутилиши мумкин.

Унда хизмат кўрсатувчи экипажнинг таркиби кўрсатилиши, ижарачига хизмат кўрсатадиган, бироқ ижарага берувчи билан меҳнат муносабатларини сақлаб қоладиган экипаж аъзоларининг малака даражаси белгиланиши лозим. Яъни улар ижарага берувчининг транспортни бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига ҳамда ижарага олувчининг уни тижорат мақсадида ишлатишга доир кўрсатмаларига бўйсунадилар. Экипаж аъзоларининг хизматига ҳақ тўлаш, шунингдек уларни сақлаш харажатлари одатда ижарага берувчи зиммасида бўлади, бироқ шартномада уларга ҳақ тўлашни ижарага олувчи зиммасига ҳам юклаш мумкин. Умумий қоидаларга кўра ижарага олувчининг зиммасига транспорт воситасини суғурта қилиш ва унинг томонидан ёки уни ишлатиш муносабати билан етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарликни суғурталаш мажбурияти ҳам юклатилади *(мазкур қоида 2008 йил 21 октябргача амал қилади).*

### ЭКИПАЖСИЗ ИЖАРАГА БЕРИШ

Экипажсиз ижарага берилганда ижарага берувчи фақат транспорт воситасини вақтинча эгалик қилишга ҳақ эвазига беради. Энди ижарага берувчи эмас, балки ижарага олувчи шартнома амал қилишининг бутун муддати мобайнида тегишли ҳолатда сақлаши, шу жумладан жорий таъмирлашни, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, капитал таъмирлашни ҳам амалга ошириши шарт. У ўзининг куч ва воситалари билан транспортни бошқаради, ундан тижорат мақсадларида ва техник фойдаланишни амалга оширади. Агар шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчи автотранспорт воситасини сақлаш, уни суғурта қилиш, шу жумладан ўз жавобгарлигини суғурта қилиш харажатларини, шунингдек уни ишлатиш билан боғлиқ бошқа ҳар қандай харажатларни ҳам кўтаради.

### ШАРТНОМА ТУЗАМИЗ

Ижара ҳақи миқдорини белгилаётганда шуни ёдда тутиш лозимки, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у тарафларнинг келишуви бўйича назарда тутилган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи билан бир марта ўзгартирилиши мумкин *(ФК 544-моддасининг бешинчи қисми).* Шунингдек ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, ижара ҳақини бундан кейин тегишли равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Ижара шартномаси муайян ёки номуайян муддатга тузилиши мумкин. Бироқ уни номуайян муддатга узайтириш қоидалари ҳам, ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар сингари, транспорт ижарасига нисбатан қўлланмайди *(ФК 564-моддасининг учинчи қисми).*

Шартномада автомобилни бир маънода идентификация қилиш имконини берадиган маълумотлар: унинг ранги, двигателининг рақами, русуми, чиқарилган йили ва транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган бошқа маълумотларни кўрсатиш лозим.

### ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ФКнинг 571-моддасига кўра экипаж билан ижарага берилган транспорт воситаси билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун ижарага берувчи жавобгар бўлади. У агар зарар ижарага олувчининг айби билан етказилганлигини исботласа, ижарага олувчидан учинчи шахсларга тўланган пул суммасини қоплашни регресс тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Транспорт воситаси сақлаш, бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда ижарага берилганида транспорт воситаси, унинг механизмлари, қурилмалари, жиҳозлари ва шу кабилар билан учинчи шахсларга етказилган зарар учун ижарага олувчи жавобгар бўлади.

2008 йил 22 октябридан «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун *(2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сон, бундан кейин – Қонун)* кучга киради. У кучга кириши билан автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши керак бўлади. Шу сабабли транспорт воситасини ишлатиш оқибатида юзага келган зарарни қоплаш масалалари Қонун қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Унга кўра транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир. Транспорт воситалари эгаларига, Қонун таърифига кўра, транспорт воситалари ижараси шартномаси бўйича транс-



порт воситасига эгалик қилаётган шахслар ҳам киради. Шу тариқа транспорт воситаси етказган зарарни суғурта ташкилоти қоплайди.

Ушбу Қонун кучга киритилиши билан ижарага берувчи, агар шартнома экипаж билан ижарага бериш шарти билан тузилган бўлса, транспорт воситасини мажбурий суғурта қилиш бўйича барча харажатларни амалга оширади *(ФК 566-моддасининг олтинчи қисми).* Агар у экипажни сақламаса, суғурта харажатлари ижарага олувчи зиммасига юклатилиши мумкин *(ФК 568-моддасининг учинчи қисми).*

Ижарага берилган транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, агар ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганлигини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт *(ФКнинг 570-моддаси).* Агар ижарага берувчи ижарага олувчининг айбини исботламаса, у етказилган зарарларни қоплашга мажбур эмас.

### ТЕКИНГА БЕРИШ

Ташкилот мол-мулкни текинга бериш шартномасига кўра ўз ходимлари транспорт воситасидан фойдалана оладими? Ҳа, ташкилот мулкида автомобиль бўлган ўз ходимлари билан транспорт воситасини ижарага олиш шартномаси ёки уни текинга бериш шартномасини тузишга ҳақли. Текинга бериш шартномасига кўра ходим (штатдаги ходим эмас, жисмоний шахс сифатида) фирмага ўз автомобилини вақтинча текинга беради. Шартномада фирма транспорт воситасидан фойдаланиш харажатларини амалга ошириши, унинг жорий таъмирини бажариши ва ҳоказолар кўрсатилади. Мазкур шахсда ташкилот билан айни вақтда фуқаролик (текинга бериш шартномаси бўйича) ва меҳнат (меҳнат шартномаси бўйича) муносабатлари юзага келади. Юридик шахслар шуни унутмасликлари лозимки, Солиқ кодексининг 135-моддасига кўра солиқ тўловчи томонидан текинга олинган мол-мулк унинг даромади ҳисобланади. Мол-мулк текинга олинганда ташкилотнинг даромадлари бозор қиймати бўйича аниқланади, у баҳоловчи томонидан ёки ҳужжатлар билан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади:

– жўнатиш (етказиб бериш) ҳужжатлари;

– етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);

– оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

– биржа маълумотлари;

– давлат статистикаси органларининг маълумотлари.

**_Мария ТУХТАРОВА,_**
**_«Norma» МЧЖ юристи._**

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA Ахборот-ҳуқуқий тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

# ВЕТОГА ҲУҚУҚНИ «ОЛТИН АКЦИЯ» БЕРАДИ

**?**

***1. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-1-моддасига кўра «давлат вакили» тушунчаси давлат томонидан «олтин акция» ҳуқуқи амалга оширилиши нуқтаи назаридан талқин қилинади. Қонун 85-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилишича, «жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди».***

***Мазкур меъёр давлат вакилига (ишончли бошқарувчи, давлат ишончли вакили) эга бўлган, бироқ «олтин акция» жорий этилмаган акциядорлик жамиятларига татбиқ этиладими?***

***2. Агар Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши жисмоний шахсларга пул маблағларини жамият кассасидан ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари орқали тўлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилса, акциядор мазкур қоида асосида дивидендларни ўзининг хоҳиши бўйича, хусусан жамият кассасидан пул маблағлари орқали тўлашни талаб қилиши мумкинми ёки тўлов усулини жамият белгилайдими?***

**Х.Мирзоҳидов,**
**«Ўзсаноатмашимпекс» ВЭАК бошқаруви раиси.**

– **1**. «Олтин акция» ҳуқуқи ҳар бир алоҳида ҳолда ҳукумат қарорига кўра давлат корхоналарини хусусийлаштираётганда ёки республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун стратегик аҳамиятга эга бўлган акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлат пакетини хусусий мулкка реализация қилиш чоғида жорий этилади. Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 151-сон қарори билан тасдиқланган, бундан буён – 151-сон қарор)* 3-бандига кўра «олтин акция» устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ортиқ бўлмаган акциядорлик жамиятларида Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг қарори билан белгиланадиган муддатга жорий этилади. Ушбу Низомнинг 5-бандига ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сон, бундан кейин – Қонун)* 24-1-моддасига мувофиқ «олтин акция» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини *(бундан кейин – давлат вакили)* тайинлаш йўли билан амалга оширилади. Сиз ҳавола қилаётган Қонун 85-моддасининг бешинчи қисми «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун *(2007 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-135-сон)* билан давлат томонидан «олтин акция» ҳуқуқини амалга ошириш нуқтаи назаридан жорий этилган. Бинобарин, мазкур меъёрни «олтин акция» жорий этилган АЖларга қўллаш мумкин.

Мазкур хулоса Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 193-сон, 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорлари билан ҳам тасдиқланади, уларга биноан Акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши тўғрисида намунавий низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 189-сон қарори билан тасдиқланган)* ўзгартишлар киритилди. Унинг 20-бандида *(иккинчи қисм)* анча аниқ-равшан қилиб таърифланишича, «кузатув кенгаши томонидан акциядорлик жамиятини бошқаришда давлат иштирок этишининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланадиган давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек уларга давлатнинг мазкур вакили «вето» қўйган қарорлар»; 26-бандда эса – «кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган, акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирок этишининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланадиган давлат вакили «вето» қўйган қарорлар» ижро этилмайди. Бинобарин, агар сизнинг АЖда «олтин акция» жорий этилмаган бўлса, кўрсатилган меъёр унга татбиқ этилмайди.

Агар сизнинг АЖда давлат улушини ишончли бошқарувчи* ёки давлат ишончли вакили** бошқарса, кузатув кенгашининг қарори уларнинг розилигисиз қабул қилиниши мумкин бўлмаган тартиб ҳамда давлат ишончли вакилининг акциядорлар умумий йиғилишининг қарорини ижро қилишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони *(2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон)* 5-банди билан бекор қилинган.

**2.** «Қонунда, хусусан, унинг 53 ва 55-моддаларида айтилишича, тўлов воситалари, дивидендларни тўлаш миқдори ва шакли акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятни ижро этиш усули Қонунда белгиланмаган, у фақат акциядорнинг (кредиторнинг) хоҳишига боғлиқ (масалан, дивидендларни жамият кассасидан накд пулда олиш ёки пул ўтказмалари билан ўтказиш мумкин ва ҳ.к.).

**Таҳририятдан:** *фикримизча, дивидендларни тўлаш шакли бобидаги низоларга (кимга кассадан накд пул билан тўлаш лозим, кимга омбордан ўз маҳсулоти билан тўланади) йўл қўймаслик учун ҳеч кимга бирор-бир муқобил шаклга йўл қўймайдиган муайян тўлов шакли тўғрисида аниқ бир қарор қабул қилиш керак.*

**_Елена ЕРМОХИНА,_**
**_«NORMA» МЧЖ эксперт-юристи._**

**Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида низом, ВМнинг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган.*

*** Давлатнинг хўжалик жамиятларидаги ишончли вакиллари тўғрисида низом, ВМнинг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган.*

Қонунга шарҳ

# ГЛОБАЛ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2008 йил 24 июнда «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Олий Мажлис Сенати томонидан 27 июнда маъқулланган мазкур ҳужжатни мамлакат Президенти 2008 йил 7 июль куни имзолади.***



БМТ Бош Ассамблеяси 2003 йил 31 октябрда маъқуллаган Коррупцияга қарши конвенция ўша йилнинг 9 декабридан имзолаш учун очиқ деб белгиланди. Бу кун Коррупцияга қарши халқаро кураш куни сифатида нишонланадиган бўлди. 2008 йил июль ҳолатига кўра ҳужжатни 143 мамлакат имзолади, 93 мамлакат, шу жумладан МДҲ бўйича ҳамкорларимиз – Белоруссия, Украина, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон ратификация қилди.

Коррупциянинг мисли кўрилмаган тарзда авж олиб кетаётганлиги муаммоси халқ ҳокимияти фаолият кўрсатишига, қонун устуворлигига, демократия ва инсон ҳуқуқларига жиддий таҳдид солмоқда, иқтисодий тараққиётни қийинлаштирмоқда ҳамда бозор иқтисодиёти бир маромда боришига таҳлика солмоқда. Бу муаммо ҳар қандай мамлакатнинг миллий хавфсизлигига реал тарзда таҳдид солаётган энг хатарли ҳолатлардан бирдир. Зотан коррупция кўпчиликнинг манфаатларига беписандлик эвазига саноқли одамларга афзалликлар бериш билан моҳиятан қабул қилинган қарорлар турли соҳаларда рисоладагидек бажарилиши маромини бузади. Молиявий ва одам ресурслари тақсимотини издан чиқаради, уларни кўп ҳолларда мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий мақсадлари ҳамда талаб-эҳтиёжларига зид равишда унумсиз фойдаланувчилар ихтиёрига беради.

Энг хавфли жиҳати шундаки, жамият онгида коррупцияни «ижтимоий адолатни тиклаш»га қаратилган, одоб нуқтаи назаридан мақбул норма тарзида тушунчаси хира тортади. Аҳолида жиноий жазоланадиган порахўрлик ва жиноий жазоланмайдиган пул йиғиш ҳолларига лоқайдлик иллати кучая боради. Коррупция чет эллик инвесторларни ганситиб, саросимага солиб қўяди. У айни вақтда ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий институтларга бўлган ҳурматга путур етказади, давлат ҳокимияти ва бошқарув институтларига бўлган ишончни барбод этади, хусусий секторнинг жиноят сари оғишига, шу жумладан уюшган жиноятчиликка олиб боради муҳитни яратади. Коррупция мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида ютуққа эришиш қобилиятига зарба берувчи тангликка мойилликни оширади.

Коррупцияга қарши курашнинг мураккаблиги шундаки, у шунчаки жиноий тусдаги муаммо бўлибгина қолмай, балки сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммо ҳамдир. Шу сабабли коррупцияга қарши амалий кураш олиб бориш учун коррупцияга қарши ягона сиёсат негизида ишлаб чиқилган комплекс тадбирлар керак. Бу сиёсат ҳаётнинг турли соҳаларида порахўрликни келтириб чиқараётган сабаблар ва шароитларни давлат ва жамият томонидан собитқадамлик билан, ҳар тарафлама муфассал, изчиллик билан бартараф этишни ўзида мужассам қилади.

Жаҳон Банки институти томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, ҳар йили бир триллион доллар миқдорида пора берилади (олинади). Бу тахминий рақам бўлса ҳам, бутун жаҳондаги, бой-бадавлат мамлакатлару ривожланаётган мамлакатлардаги порахўрлик кўлами ҳақида умумий тасаввур беради, холос. Шундай қилиб, коррупция салмоқли молиявий ва моддий ресурсларни инсониятнинг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишдан чалғитиб четлатади. Илгари пора эвазига оғдириб олиш шунчалик кенг тарқаб кетган эдики, амалда унга қарши кураш олиб боришдан ҳеч бир маъни йўқ эди. Бироқ кейинги ўн беш йил ичида халқаро ҳамжамият коррупцияга қарши глобал кураш олиб бориш соҳасида сезиларли ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўлди. Унга қадар мамлакатлар бундай ҳолат ҳақида истар-истамас сўз юритишар, уни тамомила ички муаммо деб ҳисоблар эдилар. Ҳозирги вақтда муаммони ҳал этиш учун кўпгина ташкилотлар жалб этилган, кўп тарафлама битимлар қабул қилинган.

1996 йилдан эътиборан коррупцияга қарши қаратилган, сиёсий хоҳиш-ирода билан тобора кўпроқ даражада мустаҳкамланиб бораётган халқаро келишувлар коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ мажбуриятларни кучайтирмоқда ҳамда порахўрликка қарши кураш бўйича асосий халқаро нормалар ва тартиб-таомилларни белгилаб бермоқда. Яқин-яқинларгача ана шу иллатга қарши кураш олиб бориш айрим ҳукуматларнинг ваколати доирасига киради деб ҳисоблаб келинарди. Эндиликда халқаро ҳамжамият порахўрликка қарши маҳаллий ва глобал миқёсда кураш олиб боришдан чинакамига манфаатдор ҳукуматларнинг саъй-ҳаракатларини тўлдириши мумкин ва лозим эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилинмоқда.

Халқаро ҳамжамият коррупцияга қарши кураш механизмлари тўғрисида келишувлар ишлаб чиқиб, шу пайтга қадар одатда фақат маҳаллий аҳамиятга молик деб ҳисобланиб келинган муҳим масалаларда янада жипсроқ равишда, кўп тарафлама ва икки тарафлама ҳамкорлик қилиш мақсадида эшикларни кенг очмоқда. Бу ўз навбатида илғор тажрибаларни алмашишни рағбатлантирмоқда, ҳамкорлик йўлини тутган мамлакатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаб, мунсабатларни ривожлантирмоқда. Пировард натижада эса икки тарафлама ва кўп тарафлама тадбирлар ҳамда ривожланишга кўмаклашиш дастурлари самарадорлигини оширмоқда.

Юқорида номи зикр этилган Конвенция қабул қилингунга қадар коррупцияга қарши қаратилган кўп тарафлама бир қанча ҳужжатлар коррупцияга қарши кураш чораларини ўзаро баҳолашнинг тўртта механизмини назарда тутарди. Бу **Америка давлатлари ташкилотининг назорат механизми, Европа Иттифоқи давлатларининг коррупцияга қарши гуруҳи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳузуридаги порахўрликлар бўйича ишчи гуруҳи ҳамда Барқарорлик пактининг коррупцияга қарши ташаббусидир.** БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ана шу ҳужжатларда назарда тутилган механизмларни бир ҳужжатга бирлаштирди ҳамда коррупцияга қарши курашга тўлалигича бағишланган дастлабки халқаро келишув бўлиб қолди. Унда коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари белгилаб берилган. Шунга кўра давлатлар **давлат харидларида ҳалоллик ва очиқ-ойдинликни, мамлакат молиясини бошқаришда эса ошкораликни** таъмин этишлари шарт.

Конвенция коррупция билан боғлиқ жиноятлар таърифини ўз ичига олган бўлиб, коррупцияга қарши кураш доирасида давлатлар бир ёки бир неча йўналиш бўйича, хусусан қуйидаги йўналишлар бўйича битим ёки ахдлашув тузишлари мумкин:

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти.** Беғараз ва батамом ҳоли иш кўриши жоиз бўлган тергов ва прокуратура органлари ҳамда судлар коррупцияни давлат даражасида, самарали йўсинда фош этиш ва таъқиб қилишда муҳим роль ўйнайдилар. Улар шу маънода ҳукумат зиммасига жиноят тўғрисида амалий қонунлар ишлаб чиқиш, порахўрлик ҳамда коррупция тусидаги бошқа ҳаракатларни аниқлаш ва пайини қирқиш учун тегишли жазо чораларини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини шакллантириш вазифасини юклайди.

**Давлат секторида коррупциянинг олдини олиш.** Коррупцияга қарши қаратилган кўпгина халқаро битимлар ҳукуматлар зиммасига мансабдор шахсларнинг сотқинлиги ва порахўрлиги олдини олиш юзасидан амалий чоралар кўриш мажбуриятини юклайди. Булар сирасига давлат хизматчилари учун юқори даражадаги талабларга асосланган хулқ-атвор стандартлари амал қилишини таъминлаш, харид қилиш ишлари ва молиявий бошқарувда очиқ-ойдинлик тизимларини барпо этиш, манфаатлар тўқнашуви ва низоларига йўл қўймаслик, шахсий активларни молиявий жиҳатдан ошкор этиш талаби, ҳуқуқбузарликлар

Хорижий тажриба

# КОРРУПЦИЯНИНГ

***Россияда коррупция муаммоси қадимий муаммолардан биридир. Тўғри, давлат порахўрлик билан баҳоли қудрат курашиб келмоқда. Мамлакат Президенти Дмитрий Медведев уч ойлар чамаси ирод этган дастурий нутқ порахўрлик иллатига қарши кўпдан буён давом этиб келаётган курашда навбатдаги сезиларли воқеа бўлди.***

## ҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН

Коррупцияга қарши курашни қонунчилик йўли билан таъминлаш масалалари бўйича қонун ижодкорлари кенгаши мажлисидан бир ойча олдин янги қонун ҳужжати – «Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон имзоланди ва кейинчалик мазкур Кенгаш тузилди. Янги тузилма олдига қўйилган вазифалар қаторида порахўрликка қарши кураш юзасидан мамлакат Президентига таклифлар тайёрлаш, федерал, минтақавий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг коррупцияга қарши давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб, шунингдек Миллий режада назарда тутилган тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиб бориш вазифалари бор. Бу ҳужжатни имкон қадар қисқа муддатлар ичида тақдим этиш режалаштирилди.

Лойиҳа уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга бағишланган. Унда, масалан, «коррупция» тушунчасига таъриф бериш мўлжалланмоқда – шу пайтгача Россия қонунларида бундай таъриф йўқ эди. Худди шу бўлимда порахўрликнинг олдини олишга доир таклифлар баён этилган. Хусусан, судьялик лавозимларига ва турли даражадаги амалдорлик курсиларига – Федерация Советига аъзолари, Давлат Думаси депутатлари, Ҳисоб палатаси, Россия Федерацияси Марказий банки ходимлари ва бошқа амалдорлик курсиларига талабгор кишиларга нисбатан махсус талаблар таърифлаб берилди. Бундан ташқари Миллий режа муаллифлари коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга дахлдор компаниялар учун биринчи марта маъмурий жавобгарликни назарда тутмоқдалар ҳамда маъмурий жазо турларидан бири сифатида муайян иш билан шуғулланишдан маҳрум қилиш тартиб-таомилини жорий этишни таклиф қилмоқдалар. Мабодо ана шу асосий ҳужжат ҳаётга татбиқ этиладиган бўлса, қонун ҳужжатларида судланган фуқароларни, жиноий таъқиб қилиш оқлаш хусусиятига эга бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатиб қўйилган шахсларни, давлат хизматидан номига доғ туширганлиги сабабли бўшатилган кишиларни, Бош прокуратурага, Ички ишлар вазирлигига ва Федерал хавфсизлик хизматига ишга қабул қилишга тақиқ пайдо бўлади. Милиция олдига мусодара этилиши лозим бўлган мол-мулкни қидириб топиш юзасидан тезкор-қидирув вазифаси ҳамда порахўрликни таг-томири билан йўқотиш юзасидан бошқа бир туркум амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилмоқда. Ана шуларнинг ҳар бири бўйича алоҳида қонунлар, Президент фармонлари ва бошқа қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш лозим бўлади.



## ЎЗИНГГА ПУХТА БЎЛ

Ҳужжатнинг иккинчи қисмида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида сўз боради. Давлат бошқарувини модернизация қилишдан коррупцияга қарши профилактика йўналишида самара бўлиши кутилмоқда. Давлат ва муниципал мол-мулкдан фойдаланишни, бундай мол-мулкдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни топширишнинг алоҳида йўсинда тартибга солиниши янгиликлар сирасига киради. Буларнинг ҳаммаси давлатга қарашли мол-мулк коррупцияси билан боғлиқ ҳаракатлар сонини анчагина камайтириши керак. Давлат эҳтиёжлари ҳамда муниципал эҳтиёжлар учун харид қилиш тартиб-таомилларини расамадга солувчи нормалар ҳам қонунчилар эътиборидан четда қолмади. Бунда кўзланаётган мақсад ҳаммага аён: бундай тартиб-таомилларни ўз ҳохишича талқин қилишларга чек қўйиш, камситишларни ҳамда молмулкни компанияларнинг ришватхўрларига яқин одамларга асоссиз равишда бериш ҳолларини барҳам топтириш кўзланмоқда.

Жамоатчилик институтлари роли оширилади. Улар учун давлат хизматчилари устидан назорат олиб боришнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилмоқда.

## ЯНГИ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Миллий режанинг учинчи бўлими юристларнинг касб малакаси ва даражасини ошириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маърифатини юксалтиришга бағишланган. Шу мақсадда ҳам оммавий ахборот воситаларини, ҳам нохукумат тузилмаларини ишга солиш мўлжалланмоқда. Давлат фуқароларда коррупцияга қарши қаратилган хулқ-атворни шакллантиришга, институтлар ва университетларда юридик фанлар ўқитилишини яхшилашга, ҳуқуқий таълим сифати замонавий талаблар ва ҳозирги воқеликларга жавоб бермайдиган олий ўқув юртларини лицензиялардан маҳрум этишга қатъий аҳд қилган. Бу даражадаги кўламдор режа қонунчилик йўли билан қўллаб-қувватланади. Шу мақсадда федерал ва минтақавий миқёсдаги барча зарур ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, кўриб чиқилиши ва маъқулланиши лозим.

Янги йилни коррупцияга қарши қаратилган, бизни уялтириб қўймайдиган ва самарали фойдаланиладиган замонавий қонун ҳужжатлари билан бошлашимиз керак, – деб таъкидлади Президент.

## МОСКВА ТЕГРАСИДАГИ ГАПЛАР

Қонун ижодкорлари кенгаши иштирокчилари давлат раҳбари ғояларини қизғин қўллаб-қувватлаб чиқдилар, шунингдек бу иллатга қарши кураш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Чунончи, уларнинг фикрича, Федерация субъектларининг барча ҳуқуқий ҳужжатлари ва қонун лойиҳалари коррупцияга қарши мажбурий экспертизадан ўтказилишини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш зарур. Бундай экспертизани ўтказиш мажбуриятини прокуратура ходимлари зиммасига юклаш таклифи илгари сурилди. Уддабурон, таъбир жоиз бўлса, тегирмонга тушса бутун чиқадиган тўралар коррупция билан боғлиқ жиноятлар қилишига имконият очиб берадиган ҳуқуқий тўйнукларни батамом йўқ қилиш ҳақида ҳам сўз борди. Бу гап ҳокимият органи ёки мансабдор шахснинг ваколатларини белгилашда қўлланиладиган «ҳақли» ёки «мумкин» сингари таърифларгагина эмас, балки «иштирок этиши» деган сўзлар теварагида мужассам топадиган ҳуқуқ нормаларига ҳам татбиқ этилади.

Била туриб нотўғри қарор қабул қилаётган судьялар учун чинакам жавобгарлик чораларини кўриш таклифлари ҳам бўлди. Ҳозирги вақтда инсофни унутган, ғирром судьяга қарши

# МИҚЁСДАГИ ВАЗИФА



ва қоидабузарликлар ҳақида хабар қилган шахсларни ҳимоя этиш, ички ҳисобдорлик ҳамда ҳокимият органларидан ҳоли тарздаги ҳисобдорликнинг самарали тизим ва тартиб-таомилларини шакллантириш, ҳукумат ихтиёридаги ахборотлардан фойдаланиш имкониятини яратиш сингарилар киради.

**Хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш.** Коррупцияга қарши курашга оид халқаро битимларнинг аксариятида ҳукумат зиммасига хусусий секторнинг хулқ-атворига амалий таъсир этувчи чоралар кўриш, шу жумладан компанияларнинг ҳисобварақларидаги ноқонуний тўловларни яширишга тўсқинлик қилиш, корпорациялар томонидан фирибгарликка йўл қўймаслик, шунингдек пора эвазига солиқ имтиёзлари беришни тақиқлаш мақсадида бошқаришнинг самарали тизимини жорий этиш вазифалари юкланади.

**Жиноий даромадларни мусодара қилиш.** Мусодара қилиш БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидаги энг асосий унсурлардан биридир. Мазкур халқаро ҳужжатнинг 31-моддасига биноан ҳар бир иштирокчи давлат жиноий йўл билан олинган, шу жумладан легаллаштирилган даромадларнинг мусодара этилиши имкониятини таъминлаш учун талаб этиладиган чораларни кўриши лозим. Бундан ташқари Конвенцияга кўра ана шу жиноий даромадлар эгаси кўрган барча фойда худди шу тахлитда ва айни шу даражада мусодара этилиши керак.

БМТ Конвенциясига мусодара қилиш чорасини киритиш ташаббускори Америка Қўшма Штатларидир. Айни шу чора ёрдамида АҚШ ўз вақтида мамлакатда коррупция ва уюшган жиноятчилик пўртанасини жиловлай олди. Ўшанда, ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида бу мамлакатда рэкет, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши бир туркум қонунлар қабул қилиниб амалиётга жорий этилди. Жиноятчи мол-мулки мусодара этилишидан, қўлидаги сармояси бой берилишидан қўрқмас экан, уни жиноий қилмишдан тўхтатиб бўлмайди. Катта-катта жиноятларга қўл ураётган кишиларни бундай чорасиз жиноят йўлидан қайтариб бўлмайди. Негаки, уларга ахлоқ-одоб кодекслари ҳам, капитали авф этилиб, эркинлик берилиши ҳам чикора.

Конвенцияда давлат хизмати соҳасида ва хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш юзасидан рангбаранг тадбирлар назарда тутилмоқда. Хусусан, унда коррупция билан боғлиқ қилмишлардан олинган активлар жиноят-процессуал механизмлар ёрдамидагина эмас, балки энг аввало фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий механизмлар ёрдамида келиб чиққан мамлакатига қайтарилиши ҳақида қоидалар бор.

Ҳужжатда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларни тутиб топшириш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлиги, шу жумладан ахборот ва тажриба алмашиниш, биргаликда терговлар ўтказиш, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятни моддий-техника жиҳатидан таъминлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш муфассал тарзда тартибга солинган. Конвенция миллий ва хорижий мансабдор шахсларни, шунингдек халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириб олиш; мансабдор шахслар томонидан халқ мол-мулкини ўғирлаш, ғайриқонуний равишда ўзлаштириш ёки бундай мол-мулкдан ўз ўрнида фойдаланмаслик; таъсир доираси ва хизмат мавқеини ғаразли мақсадларда суиистеъмол қилиш; хусусий секторда пора эвазига оғдириб олиш ва мол-мулкни ўғирлаш; жиноий йўл билан топилган даромадларни «ҳалоллаб олиш» ҳамда одил судлов амалга оширилишига монелик қилишни жиноий жазога мустаҳиқ қилмишлар сифатида баҳолайди.

Конвенциянинг операцияларни тўхтатиб (музлатиб) қўйиш, хатлаш ва мусодара этишни белгиловчи нормалари алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, мазкур ҳужжатда ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида Конвенцияга мувофиқ жиноятлардан келган даромадлар деб топилган даромадларни ёки қиймати шундай даромадларга тенг мол-мулкни, шунингдек жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёхуд фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулкни, ускуналар ва бошқа воситаларни мусодара қилиш имконини таъминлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни имкон қадар кўпроқ қабул қилиши назарда тутилмоқда.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига мамлакатимизнинг қўшилиши давлатимизда сиёсий барқарорликни ҳамда жамиятда демократик институтлар ва қадриятлар янада равнақ топишини таъминлаш имконини берадиган муҳим сиёсий қадамдир. Конвенцияни ратификация қилиш ва кейинчалик унинг қоидаларини рўёбга чиқариш мамлакат иқтисодиётига коррупция йўналишидаги таъсирни анчагина чеклаш имконини беради, келиб чиқиши ноқонуний бўлганлиги сабабли мусодара этилган активларни тегишлилиги бўйича қайтарилишини таъминлайди.



Конвенция қоидаларининг рўёбга чиқарилиши ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилишини ҳамда миллий қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишини назарда тутади. Хусусан, коррупциянинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини юритувчи махсус ваколатли органни белгилаб олиб, унга назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш вазифаларини юклаш керак. Шунингдек, Конвенция доираси билан қамраб олинадиган жиноятлар билан боғлиқ терговишларини олиб боришда ва жиноий таъқиб қилишда ўзаро ҳуқуқий ёрдамни таъмин этиш ҳамда кўрсатиш бўйича марказий орган ҳам белгиланиши лозим.

Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексига, шунингдек тўғридан-тўғри амал қиладиган бошқа баъзи қонунларга комплекс тарзда ўзгартишлар киритиш талаб этилади.

Коррупция билан боғлиқ жиноят субъектларининг янги таърифини шакллантириш, жиноий ҳаракатлар натижасида қўлга киритилган ёки жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни қайтариш механизмларини белгилаш, жиноий даромадларни легаллаштириш таърифини янги таҳрирда бериш ҳамда Конвенцияда назарда тутилган бошқа талабларни бажариш керак.

Конвенцияга қўшилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни чет давлатлардаги ҳамкасабалари билан биргаликда ташкил этишга ёрдам беради. Чунки мазкур ҳужжатда Конвенцияга қўшилган давлатларнинг ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши, шу жумладан хорижда яшириниб юрган жиноятчиларни тутишда ёрдам кўрсатиши назарда тутилган.

***Баҳодир ИСМОИЛОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори.***

# «ҚЎЛЛАРИ» ҚИРҚИЛМОҚДА



амалда жиноят иши қўзғатиб бўлмайди. Бу муаммони ҳал этиш ечими бор – судьяларга нисбатан қўшимча инстанциялар иштирокисиз жиноят иши қўзғатиш ваколатлари прокурорга берилиши мумкин. Дмитрий Медведев Кенгаш иштирокчиларини эълон қилинадиган Миллий режада бу муаммо албатта ўз аксини топади деб ишонтирди.

## МУДДАТНИ ШАРТЛИЛИКДАН ҲОЛИ ЭТИБ БЕЛГИЛАШ

Федерация Совети Спикери Сергей Миронов қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ғоясини амалиётга жорий этишни қўллаб-қувватлади, айни вақтда бундай экспертизани ягона услубият асосида ўтказиш зарур эканлигини ҳам айтди. Ҳозирча бунақа услубият йўқ. Спикер барча турдаги коррупция учун жиноий жазоларни кучайтиришни биринчи галдаги вазифа деб таъкидлар экан, бундай жиноятлар учун шартли муддат белгиланишини бекор қилиш лозим деб таъкидлади. Бундан ташқари мансабдор шахсларгина эмас, балки уларнинг яқин қариндош-уруғлари ҳам ўз даромадлари юзасидан декларация тақдим этишлари шарт. Айни бир вақтда порахўрликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёрдам бераётган одамларга нисбатан гувоҳларни ҳимоя этиш тартиботи татбиқ этилиши зарур.

Амалдорларнинг фуқаролар билан шахсий мулоқотда бўлишини имкон қадар чеклаб қўйиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатларни электрон ифодада тақдим этиш, замонавий ахборот технологиялари, шунингдек «бир дарча орқали» принципи асосида ишлайдиган кўп фаолиятли марказлардан кенг фойдаланиш ана шундай мулоқот ўрнини босади. «Электрон тўсиқлар» орасидан йўл топиб, одамлардан пора олишда давом этаётган тўралар тўғрисидаги маълумотларни эса давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг расмий сайтларида эълон қилиб бориш керак.

## БУНИ КУРАШ ДЕЙДИЛАР

Президент томонидан илгари сурилган вазифалар шунчаки, қоғозда қолиб кетадиган вазифалар эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ қонунчилик йўли билан пухта замин яратиб қўйилди. Масалан, 2006 йили бир туркум халқаро стандартлар ва конвенциялар ратификация қилиниб, улар асосида аниқ қонунчилик ташаббуслари белгилаб олинди. Ўтган йилнинг ўзида бу йўналишдаги ҳаракатлар асосидаги ҳужжатлар Президент маъмурияти кўриб чиқиши учун тақдим этилди. Бугунги кунда Давлат Думаси олдидаги энг асосий вазифалардан бири «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги янги Қонунни шу йилнинг ўзида қабул қилишдан иборатдир. Минтақавий даражада эса ҳокимият фаолияти очиқ-ошкоралигини таъминлаш, маъмурий регламентларни ишлаб чиқиш, шунингдек қабул қилинаётган норматив ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасидан ўтказиш тизимини барпо этиш ишлари олиб борилмоғи керак.



## ШОН-ШАРАФ ИШИ

Шуниси эътиборга лойиқки, Дмитрий Медведев Кенгашдаги маърузасидан кейин икки ҳафта ўтгач, Думадаги тўртта фракция пешволари билан учрашув ўтказди. Мулоқотда давлат раҳбари коррупцияга қарши юксак даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган қонун ҳужжатларини шакллантириш устидаги ишлар 2009 йил киргунга қадар тугалланиши лозим эканлигини эслатиб ўтди. Президент айтдики, маъмурий регламентлар зарурлиги беш йил мобайнида муҳокама этилганлигига қарамай, бу йўналишда ҳанузга қадар деярли ҳеч нарса қилинмаган.

Истаган вазирликка бориб ҳужжатлар ҳаракати қай йўсинда кечаётганлигини билиш учун регламент сўраб кўрсангиз, берган ҳужжатингиз қаерда эканлигини суриштирсангиз, ишончим комилки, сизга тайинли жавоб бера олмайдилар. Балки амали каттароқ бошлиқлар, қонунчилик ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларига дарҳол бўлмаса-да, жавоб беришар, лекин фуқароларга ҳеч нарса айтишмайди, – деди куйиниб Дмитрий Медведев. Бошланган кўпгина хайрли ишлар охирига етказилмаслигига қарамай, нима кераги бор ўзи, барибир ҳеч нарсага эришиб бўлмайди-ку деган гапларга қарамай, Президент амалдорларни яхшироқ ишлаш ва порахўрликка қарши курашга чақирди. Шу билан бирга бу йўналишда тадбирбозликка йўл қўйиб бўлмайди, деб сўзида давом этди у, бу нарса бизнесга ҳам, давлат хизматига ҳам, бутун мамлакатга ҳам зарар келтиради. Ҳозир оқиллик, қаттиққўллик ва изчиллик билан иш олиб бориш керак. Зотан бу давлатнинг шон-шараф иши, – деди Президент.

## ПОКЛАНИШ

Назорат идораларининг ўзлари ҳам ўз сафларида тартиб ўрнатилишини истайдилар. Масалан, ички ишлар вазири Рашид Нургалиев шахсий таркибнинг касбий ва маънавий тарбияси ишларини такомиллаштиришга бағишланган Умумроссия Кенгашида милиционерлар бундан буён қўполлик қилмасликлари ва қонунни бузмасликлари учун барча зарур чораларни кўришга қатъий аҳд қилинганлигини айтди. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди – Ички ишлар ходимларининг касб одоби кодекси ишлаб чиқилмоқда. Унда Ички ишлар вазирлигининг барча намояндалари учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидалари ва стандартлари мустаҳкамлаб қўйилади. Қонун ҳужжатлари устида иш олиб бораётганлар олдига мазкур ҳужжатда коррупцияга қарши қоидаларни ҳам инобатга олиш вазифаси қўйилган. Экспертлар жорий йилнинг охиригача ишни якунламоқлари керак.

Бироқ янги Касб кодексининг пайдо бўлиши кўп нарсани ўзгартира олмаса керак деган ҳадик бор. Масалан, Ички ишлар вазирлиги ходимларининг шон-шараф кодекси вазир буйруғи билан 1993 йили тасдиқланган эди. Унга кўра ички ишлар органлари ходими касбини танлаган фуқаро зиммасига юксак ахлоқий нормаларга риоя қилишдек масъул мажбурият юкланади. Бу ҳужжат ҳозирча бекор қилинмаган, аммо унда баён этилган принциплар ҳуқуқ-тартибот қўриқчиларига моҳиятан уларнинг муҳофазасида бўлиши лозим бўлган одамларга нисбатан қўпол муомалада бўлишларига, фуқаролардан ва бизнес аҳлидан пора тамагирлик қилишларига сира-сира монелик қилмаяпти.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# АФСУСКИ, БАРЧА МУДДАТЛАР ЎТГАН

***Биринчи ярим йилда бир қатор аввалги йилларда фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун ходимга компенсация тўланиши тўғрисида икки марта батафсил маслаҳат берган эдингиз. Менинг саволимга ҳам жавоб берсангиз. Мен корхонада 1993 йил мартидан 2000 йил апрелигача ишладим. Ишдан бўшаётганимда фақат охирги йил учун таътил пули олдим. Фойдаланилмаган таътилларнинг бутун даври учун компенсация тўлашларини талаб қила оламанми? Даъво қилиш муддати ўтиб кетганлигига асосланиб, аризамни қаноатлантирмасликлари мумкинми?***

**Ҳурмат билан О.Мўминов.**

– Меҳнат шартномаси (контракти)ни тузиш билан фуқарога нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари амал қила бошлайди ва иш берувчи билан биргаликда меҳнатга доир муносабатларнинг субъектига айланади. Унга меҳнат фаолияти даврида тегишли ижтимоий кафолатлар берилиши керак.

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан меҳнат шартномаси (контракти)нинг амал қилиш даврида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда ходим якка меҳнат низоларини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир *(Меҳнат кодексининг 260-моддаси, бундан буён – МК)*, МКнинг 269-моддасида кўрсатилган низолар бундан мустасно.

Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қуйидаги муддатлар белгиланган:

ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича – зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмаган *(МКнинг 270-моддаси)*.

Сизнинг ҳолатингизда фойдаланилмаган таътилларнинг бутун даври учун компенсация масаласи бўйича меҳнат низосини кўриб чиқиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг **муддатлари ўтиб бўлган** (МКнинг 270-моддасида ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб **уч ой** белгиланган). **Даъво қилишнинг умумий муддати ҳам** – Фуқаролик кодексининг (бундан буён – ФК) 150-моддаси билан белгиланган уч йил – **тугаган.**

Бироқ судья даъво билдириш учун муддатнинг ўтказиб юборилганлигини сабаб қилиб, даъво аризасини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас. Даъво қилиш муддатини ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топиб, суд уни тиклаши мумкин. Агар у иш материалларини ҳар томонлама ўрганиб, даъво билан судга мурожаат этиш учун муддат узрли сабабга асосланмай ўтказиб юборилган деб топса, даъвони қабул қилишдан бош тортади.

ФК 153-моддаси иккинчи қисмининг, шунингдек Фуқаролик процессуал кодексининг унга кўра фуқаролик ишлари бўйича суд ишини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга ошириладиган 8-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб, даъвогар томонидан судга мурожаат этиш муддати ўтказиб юборилганлиги масаласини суд, башарти бу ҳақда низодаги тараф арз қилган бўлса, ҳал қилиши мумкин.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири.***

## Ноанъанавий савол

# ҚОЧОҚНИ ТУТИШ

***Сайтларнинг бирида тасодифан фирма қадрлайдиган ва йўқотишни истамайдиган ходимимизнинг резюмесига дуч келдим. У билан бу борада қандай гаплашган маъқул?***

– Ходим билан суҳбатлашганда кўрганларингизни дарҳол айтмасдан, суҳбатни узоқдан бошлаш керак. Гап орасида унга компанияда нима ёқиши ва нима ёқмаслигини, ҳаётдаги режалари ҳақида суриштиринг.

Эҳтимол, ўзи айтиб берар. Бироқ бунга умид қилманг: агар сиз билан ходим ўртасида ишончли муносабатлар бўлмаса, у ҳеч қачон бошқа иш берувчиларга бўлган қизиқишларини баён қилмайди. Ходим ҳеч бўлмаганда, ўз муаммолари ва қониқмаётганлиги ҳақида айтиб берса ҳам катта гап. Шунда сиз унинг иш жойини алмаштиришига нима сабаб бўлганини англаб, вазиятни тўғрилашга киришасиз. Энг ёмони, ходим сизга ҳеч нарса қилмагандек қараб, ўз садоқатига ишонтиришидир. Бундай вазиятда далил-исботни тайёрлаб қўйинг ва унинг резюмесини сайтларнинг бирида кўрганингизни маълум қилинг (ишончли бўлиши учун қоғоздаги нусхасини кўрсатиш мумкин). Тушунтиришларини эшитинг. Эҳтимол, бу киши ҳеч қаерга кетмоқчи эмасдир, балки бозордаги вазиятни билмоқчи ҳамда ундаги ўз «қиймати»ни аниқламоқчи бўлгандир.



У ёки бу вазиятда асосий фикрни унга етказинг: у тўла эркин, бироқ компанияга нисбатан яхши иш қилмаганини билдиринг. Аввал раҳбарият билан гаплашиши, меҳнат бозорига эса келишолмагачгина чиқиши керак эди.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми?***

***Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамиз, шунингдек етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. Шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун «Норма маслаҳатчи» жавоб бермайди.***

## Хориж қонунчилигидаги янгиликлар

# ИСЛОҲОТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИ ФИКРЛАР

**Россиянинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунини ҳақиқатан кўп жабр кўрган деб айтиш мумкин. Унга бир неча ўнлаб ўзгартириш ва тузатишлар киритилган. Бироқ ҳозиргача мазкур ҳужжатнинг унинг доирасига тушувчилар манфаатларини қониқтирадиган якуний варианти қабул қилинмаган.**

### ЯХШИ БЎЛИШИНИ ХОҲЛАГАНДИК...

**Бу воқеа анча йил аввал бошланганди, ўшанда Молия вазирлиги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонундаги мавжуд нуқсонларни тузатишга қодир янги ҳужжатни тайёрлашга киришганди. Шубҳасиз, бу иш тадбиркорлик ҳамжамияти ва бошқа бир қатор тузилмалар билан ҳамкорликда олиб борилиши лозим эди. Бироқ амалда қўшимча ишлаб чиқилган қонун ҳар тарафдан норозиликларни келтириб чиқарди.**

Молия вазирлигининг расмий сайтида тузатишлар лойиҳаси эълон қилиниши билан олинган натижа кутилганидан йироқ эканлиги маълум бўлди. Гарчи ўзгартиришларни ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ таркибига бошқа идоралар қаторида «РОССИЯ ТАЯНЧИ» («Опора России») жамоат ташкилоти ва Россия Ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюшмаси (РИЧТУ) ҳам кирган бўлсада, таклиф этилган вариант уларда бир талай савол ва эътирозлар уйғотди. РИЧТУ ишчи гуруҳининг манфаатдор бизнес вакиллари иштирокидаги мажлисида шундай ғоятда аянчли хулосага келинди: «Ушбу таҳрирдаги қонун лойиҳаси бизнес ҳамжамиятини тубдан қониқтирмайди ва ҳозирги пайтдаги мавжуд вазиятни ёмонлаштиради». Шу боис РИЧТУ уни ҳукуматга киритиш мақсадга мувофиқ бўлмайди деб ҳисоблайди. «Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, гарчи Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси тайёрланаётганда РИЧТУнинг нуқтаи назари ҳисобга олинмаган бўлсада, уюшма бўлғуси амалий мулоқотга ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи масалалари бўйича ҳужжатлар лойиҳалари устида биргаликда ишлашга тайёр.

«РОССИЯ ТАЯНЧИ» («Опора России») экспертларининг фикрича, қонуннинг тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини юритиш борасида ижобий ўзгартиришларга олиб келмайди. Қонун лойиҳаси Россия Федерациясининг ўртача муддатли истиқболга белгилаган Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантириш концепциясида баён қилинган вазифалар ва муаммоларни ҳал эта олмайди.

Ҳужжат моҳият бўйича қўшимча ишланмаларни талаб этади, чунки техник тузатишлар билан мавжуд камчиликларни бартараф этиб бўлмайди. «РОССИЯ ТАЯНЧИ» («Опора России») вакиллари мазкур қонун лойиҳасини ҳукуматга кўриб чиқиш учун беришни кейинга қолдиришни ҳамда Молия вазирлиги ва тадбиркорлик жамоатчилигига Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантириш концепциясини акс эттирадиган ҳужжатни тайёрлаш учун имконият беришни тавсия қилдилар.

Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам ҳужжат борасида анча қатъий фикрларини билдиришди. Бироқ уларнинг хулосалари ҳам аввал айтилган нуқтаи назарлардан бирмунча фарқ қилди холос: «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги федерал қонун лойиҳаси тубдан, моҳиятан қайта ишлашни, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро амалиёт билан мослаштиришни талаб этади».

Шундай қилиб, мазкур қонуннинг қабул қилинишига дахлдор жамоатчилик вакиллари бир овоздан, уни ҳамма томонлар фикрини ҳисобга олган ҳолда, яна қўшимча ишлаб чиқиш кераклигини айтишди. Бироқ ўтган вақт мавжуд зиддиятларни бартараф этишга ёрдам бермади.

### «ОРТГА КЕЛАЖАККА»

**Афсуски, бугунги кунгача қанча вақт ўтган бўлса ҳам вазият тубдан ўзгармади деб айтиш мумкин. Ҳужжат ҳукуматга, Молия вазирлигига ҳамда Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлигига юборилган эди. Бундан олдинроқ РИЧТУ вакиллари унга тузатишлар киритиш бўйича ўз таклифларини яна бир марта ёзма шаклда баён қилгандилар.** Уларнинг фикрича, қонун лойиҳаси тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши ҳисоб юритиш билан боғлиқ бўлган бизнес-ҳамжамият зиммасидаги юкни камайтирмаганлиги боис, моҳиятан яна қўшимча ишлашни талаб этади. Саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси бош бухгалтерлар учун мажбурий олий маълумотни, профессионал ташкилотга аъзоликни ҳамда сўнгги 5 йил ичида касби бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлишликни белгилайдиган лойиҳа бандларини ҳам танқид қилди. Уюшмадагиларнинг ҳисоблашларича, бу талаблар ортиқча. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси моҳиятан, компанияларни молиявий-хўжалик фаолияти бўйича уч хил ҳисоб: бухгалтерия, солиқ ва МҲХС бўйича ҳисоб юритишга мажбур қилади.

Айтиб ўтилган ҳолатлар – «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар лойиҳасига нисбатан билдирилган барча норозиликларнинг бир қисми холос. «Норозиликлар баёноти»да айтилган ҳолатлар тўлиқ ҳисобга олиниши ҳақида гапиришга ҳали эрта. Бироқ шуниси аёнки, тадбиркорлик ҳамжамияти юзага келган зиддиятлар борасида амалий мулоқотга тайёрдир.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

● РЕКЛАМА

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2008 йил 18 ноябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Қўрғонтепа тумани ижрочилари бўлими томонидан Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 26 октябрдаги 17-0707-7165-сонли ижро варақасига асосан Қўрғонтепа т., ат-Термизий кўчаси, 1-уйда жойлашган «Само» ОАЖга қарашли 2 қаватли қурилиш майдони 2123,56 кв.м., таъмирталаб маъмурий бино қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 458 741 624 сўм.**

Ушбу маъмурий бино билан Қўрғонтепа тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

**Телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86. Лизенция: DB 001 N 000004**

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

– «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида».

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## «АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 майда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 39-сон, 392-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига, агар жамият уставида мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, эга бўлади»;

2) **11-модданинг иккинчи қисмидаги** «хиллари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг биринчи қисми:**

**бешинчи хатбошисидаги** «хиллари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамиятнинг ижроия органини тузади (сайлайди, тайинлайди)»;

4) **15-модда биринчи қисми:**

**олтинчи хатбошисининг русча матнидаги** «виды» ва «видов» деган сўзлар тегишинча «типы» ва «типов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари»;

5) **19-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли»;

6) **20-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак»;

7) **21-модда бешинчи қисмининг русча матнидаги** «этого вида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24-модда. Акциядорлик жамиятининг акциялари

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият уставида белгиланади»;

9) **26-модданинг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ва номинал қиймати белгиланиши мумкин»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи-олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи-бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим»;

10) **27-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчир-

***** *Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 27 сентябрдаги сонида чоп этилган.*

ма олиш»;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган органда» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **30-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30-модда. Акцияларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади»;

12) **31-модда** чиқариб ташлансин;

13) **33-модданинг:**

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятни таъсис этишда жойлаштириладиган акцияларга жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан бир йил ичида муассислар томонидан ҳақ тўланиши лозим. Мазкур муддат ўтганидан кейин муассислар томонидан ҳақи тўланмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим»;

**бешинчи, тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**олтинчи-саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи-еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **IV бўлим номидан** «ТАРҚАТИШ ҲАМДА» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **35-модда** чиқариб ташлансин;

16) **36-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига ўзгартириш жараёнида чиқарилган акциялар янги мулкдорларга белгиланган тартибда реализация қилинадиган пайтга қадар дастлабки жойлаштирилган давлат активлари ҳисобланади»;

**учинчи-олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи-еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак»;

17) **37$^1$-модданинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37$^1$-модда. Акциядорлик жамиятларига ўзгартирилаётган давлат корхоналари меҳнат жамоалари аъзолари томонидан акцияларни олиниши»;

18) **39-модда:**

**номидаги** «Акцияларга» деган сўз «Акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** «Агар жамият» деган сўзлардан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» деган сўзлар тегишинча «Акциялар ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» ва «Акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

19) **40-модданинг:**

**номидаги** «Акцияларга» деган сўз «Акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** «Жамият» деган сўздан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** «Хабарномада» деган сўздан кейин «акцияларнинг ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «Акциядор» деган сўздан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **41-модда:**

**тўртинчи қисмининг русча матнидаги** «виды» ва «вида» деган сўзлар тегишинча «типы» ва «типа» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи** ва **еттинчи қисмларининг русча матнидаги** «видов» деган сўз «типов» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи-ўн иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Бундай акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган муддатларда реализация қилинмаган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Жамият томонидан ўз акцияларини олиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали амалга оширилади.

Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас»;

21) **43-модданинг русча матнидаги** «вида» деган сўз «типа» деган сўз билан алмаштирилсин;

22) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «акциядорлар рўйхати тузилган кундаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **47-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47-модда. Жамият акциядорлари реестри

Жамият акциядорлари реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Агар жамиятга нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади.

Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва эмитент томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган реестри асосида амалга оширилади.

Шакллантирилган ва марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган жамият акциядорлари реестрига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш тартибини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш учун депозитарийлар:

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг идентификация қилинишини;

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг ахборот олиш ва уни мазкур шахсларга йўллаш ҳамда реестрни шакллантириш имконини берадиган акцияларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобга олинишини;

реестрга ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўладиган ҳужжатларни ва барча фактлар тўғрисидаги ҳамда депозитарийларнинг бундай ўзгартиришларни киритиш борасидаги барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида тўпланиши ва сақланишини таъминламоғи лозим.

Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс, унинг номига ёзилган акциялар сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси жамиятлар акциядорлари реестрлари шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган реестрларни сақлаши шарт;

жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан шартнома тузиши шарт.

Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш

бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. У ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, шунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди»;

24) **48-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48-модда. Депо ҳисобварағидан кўчирма

Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

Акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарий акция эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг талабига биноан икки иш куни ичида депо ҳисобварағидан кўчирма бериши шарт. Қимматли қоғозлар эгаси депо ҳисобварағидан кўчирмага ўзига оид бўлмаган ахборотни, шу жумладан бошқа қимматли қоғозлар эгалари ҳамда уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони тўғрисидаги ахборотни киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Депо ҳисобварағидан кўчирма берган шахс унда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир. Депо ҳисобварағидан кўчирма бериш тартиби, кўчирманинг шакли ва мазмунига оид талаблар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилади.

Давлат вакилига депо ҳисобварағидан кўчирма бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

25) **49-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49-модда. Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш шартлари ва тартиби

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш акциядорлик жамиятининг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириғи асосида марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санага шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.

Акциядорлик жамияти жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларда имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Давлат вакилини жамият акциядорлари реестрига киритиш ҳақидаги ёзув, давлат вакилини тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига билдириш асосида амалга оширилади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантиришни рад этишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилган тақдирда, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси реестрни шакллантириш рад этилганлиги тўғрисидаги асослантирилган билдиришномани топшириқ келиб тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин»;

26) **50-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50-модда. Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Акциядорлик жамияти, трансфер-агент, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари жамият акциядорлари реестридаги маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилиги учун солидар жавобгар бўлади ва ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан акциядорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт»;

27) **51-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари депозитарийлардир»;

28) **52-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акцияларни сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида амалга оширилади»;

29) **53-модда:**

**иккинчи қисмининг русча матнидаги** «виду» деган сўз «типу» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг русча матнидаги** «виду принадлежащих акций» деган сўзлар «типу принадлежащих им акций» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **54-модданинг номидаги** «ва шакллари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

31) **55-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55-модда. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади»;

32) **56-модданинг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи-олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи-бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

33) **57-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга»;

34) **61-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади»;

35) **65-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «акцияларга» деган сўз «акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **66-модданинг тўққизинчи қисми** «қарор қабул қилишга» деган сўзлардан кейин «шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) **68-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 календарь кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритил-

май қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин»;

38) **69-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш тегишли ахборотни матбуотда эълон қилиш ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши расмий эълон қилинган санадан 30 календарь кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестри асосида уларга билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти акциядорга ва давлат вакилига билдиришномани мустақил равишда ёхуд жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларига ва давлат вакилига акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 10 календарь кун олдин юборилиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;

умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаси, жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилиши мумкин»;

39) **70-модда иккинчи** ва **учинчи қисмларининг русча матнидаги** «вида» ва «вид» деган сўзлар тегишинча «типа» ва «тип» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **71-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамият кузатув кенгаши, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;

умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кам ва 45 кундан кўп белгиланиши мумкин эмас»;

41) **72-модданинг бешинчи қисмидаги** «тури (хили) кўрсатилган» деган сўзлар «тури кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **73-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

43) **74-модданинг:**

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

44) **75-модданинг бешинчи қисмидаги** «рўйхатига» деган сўз «реестрига» деган сўз билан алмаштирилсин;

45) **77-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар «амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи-бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи-тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

46) **82-модданинг:**

**бешинчи-ўн биринчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **бешинчи-ўн учинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ушбу Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколати доирасига киритилган бўлса ёки бу масалани ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига топширилган бўлса, бундай бизнес-режани тасдиқлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса»;

**ўн иккинчи-йигирма бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи-йигирма еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

47) **83-модда:**

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи ва ўн биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир»;

**ўнинчи қисми ўн иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

48) **85-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «мажлисда раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у» деган сўзлар «мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **86-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади»;

**тўртинчи-ўн учинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи-ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

50) **102-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тугатувчи ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар охирига етказилганидан сўнг жамиятнинг қимматли қоғозларини муомаладан чиқариш ва жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба ва муддатларда зарур тадбирларни амалга оширади»;

51) **104-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади»;

52) **106-модда:**

**ўн биринчи хатбошисининг русча матнидаги** «видов» деган сўз «типов» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган жамиятлар акциядорлари реестрларини»;

**ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

53) **108-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«108-модда. Ахборотни эълон қилишнинг шартлиги

Акциядорлик жамияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ахборотни ошкор қилиши шарт.

Акциядорлик жамияти, шу жумладан ёпиқ акциядорлик жамияти эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштирган тақдирда, бу хусусдаги ахборотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи белгилаган ҳажмда ва тартибда эълон қилиши шарт.

Акциядорлик жамиятининг ушбу Қонунда назарда тутилган ахборотини эълон қилишни оммавий ахборот воситалари томонидан асослантирилмаган равишда рад этилишига йўл қўйилмайди.

Давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган давлатга тегишли акциялар реализация қилиниши тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади»;

54) **109-модда:**

**иккинчи қисмининг русча матнидаги** «видов» деган сўз «типов» деган сўз билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти аффилланган шахслар рўйхатини уларга тегишли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили эълон қилиши шарт»;

55) **114-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради, 1-модданинг 6-банди бундан мустасно.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 6-банди 2009 йил 1 январдан эътиборан кучга киради. Устав фондларини 2009 йилнинг 1 январига қадар ушбу Қонун 1-моддасининг 6-банди талабларига мувофиқлаштирмаган ёпиқ акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 26 сентябрь*
*ЎРҚ–183-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЭНГ КИЧИК ЁШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ ҲАМДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ОҒИР ШАКЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ ВА ЙЎҚ ҚИЛИШГА ДОИР ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 377-модда)*

Ўзбекистон Республикаси томонидан Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция ратификация қилиниши муносабати билан ҳамда болалар меҳнати масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг халқаро ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда Миллий ҳаракатлар режаси деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган конвенциялар, шунингдек Миллий ҳаракатлар режасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва улар томонидан вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат нормалари ва шароитларига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига республика ҳудудида Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия Миллий ҳаракатлар режаси бажарилишининг мунтазам равишда кўриб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Миллий ҳаракатлар режаси тўғрисидаги ахборотни манфаатдор халқаро ташкилотларга маълум қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 12 сентябрь*
*207-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЭНГ КИЧИК ЁШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ ҲАМДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ОҒИР ШАКЛЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШ ВА ЙЎҚ ҚИЛИШГА ДОИР ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми* | Бажариш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Болалар меҳнатидан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | |
| 1. | Ўзбекистон Республикасида ишга қабул қилиш учун белгиланган энг кичик ёшга кўрсатмани назарда тутувчи Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенциянинг ратификация қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатга илова қилинадиган баёнотни ишлаб чиқиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилотига (кейинги ўринларда ХМТ деб юритилади) юбориш. | Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатга илова қилинадиган баёнот | 2008 йил III чорак | Ташқи ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси |
| 2. | Қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ва болаларни Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияда белгиланган болалар меҳнатининг оғир шаклларига жалб этганлик учун, шунингдек 18 ёшга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат қонунчилигини бузганлик учун хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан ота-оналарнинг жавобгарлигини белгилаш ва кучайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2009 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Адлия вазирлиги |
| 3. | Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиришлар киритиш | 2009 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги |
| 4. | Болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик, шунингдек унинг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилиш масалаларини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар мажлисларида кўриб чиқиш. | Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қарорлари | Ҳар йили | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар |
| 5. | 16 ёшгача бўлган болаларни ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2008 йил IV чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши |
| 6. | Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция талабларини ҳисобга олган ҳолда, 18 ёшдан кичик бўлган шахсларнинг оғир юкларни кўтариш ва кўчиришдаги мавжуд нормативларни кўриб чиқиш ва зарур бўлганда уларга ўзгартиришлар киритиш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2008 йил IV чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши |
| 7. | Ўқувчиларнинг республика корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш. | Ҳукумат қарори лойиҳаси | 2008 йил IV чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги |
| 8. | Оилавий бизнес ва ҳунармандчилик фаолияти тўғрисидаги низомни, уларда ўн саккиз ёшга етмаган шахсларнинг иштирок этиши тартибини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Ҳукумат қарори лойиҳаси | 2009 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси |
| | **II. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга оширишни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш** | | | |
| 9. | Корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва улар томонидан вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат нормалари ва шароитларига, шунингдек Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция талабларига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш. | Тадбирлар режаси | Тасдиқлаш — 2008 йил сентябрь<br>Амалга ошириш — доимо | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми* | Бажариш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 25. | Халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кунига бағишланган «давра суҳбати» ташкил этиш. | Болалар меҳнати муаммоларини кенг муҳокама қилиш | 2009 йилдан бошлаб ҳар йили 12 июлда | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 26. | Манфаатдор халқаро ташкилотлар учун республика томонидан болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар масалалари бўйича йиллик маърузалар тайёрлаш. | Халқаро жамоатчиликни болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида хабардор қилиш | Ҳар йили 1 февралгача | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси |
| 27. | Болалар меҳнати масалалари бўйича халқаро конференцияларда Ўзбекистон делегациясининг иштирокини таъминлаш ва ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон муносабатини халқаро жамоатчиликка етказиш. | Болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш | Белгиланган тартибда келишув бўйича | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бош прокуратура, ХМТ**, ЮНИСЕФ**, ПРООН** |
| 28. | 2010 йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқув режалари ва ўқув дастурларига «Бизнес билан танишиш» ва «Меҳнат ҳуқуқи» ўқув модулларини жорий этиш. | Чора-тадбирлар комплекси | Тасдиқлаш — 2008 йил октябрь<br>Амалга ошириш — 2008-2009 йиллар | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, ХМТ** |
| 29. | Қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширишда болаларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилиш. | Ижрочиларнинг қўшма баёноти | 2008 йил III чорак | Фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| | **IV. Болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймасликка йўналтирилган халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш** | | | |
| 30. | Ўзбекистон Республикасининг ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Дастури (ИПЕК)га қўшилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.<br>Мамлакатимизда ХМТ ИПЕК фаолиятининг устувор йўналишларини шакллантириш. | Тадбирлар режаси, Ўзаро тушуниш тўғрисидаги Меморандум лойиҳаси | 2009 йил II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги |
| 31. | Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик масалалари бўйича:<br>— меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, халқ таълими органлари (умумтаълим мактаблари раҳбарлари) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун;<br>— болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва болалар меҳнати муаммоларини ёритадиган оммавий-ахборот воситалари журналистлари ва муҳаррирлари учун;<br>— касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлари учун тренинг ва семинарлар туркумини ташкил этиш. | ЮНИСЕФ, ХМТ, ПРООН ва Осиё тараққиёт банки молиявий кўмагида ўтказиладиган тренинг ва семинарлар дастури | Тасдиқлаш — 2008 йил октябрь<br>Амалга ошириш — 2008-2009 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ЮНИСЕФ**, ХМТ**, ПРООН**, Осиё тараққиёт банки** |
| 32. | Мамлакатимиз минтақаларида туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари учун болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни меҳнатнинг оғир шаклларидан муҳофаза қилиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш. | ЮНИСЕФ томонидан молиялаштириладиган тренинглар дастури | 2008-2009 йиллар | Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЮНИСЕФ** |
| 33. | Фермерлар ўртасида қишлоқ хўжалиги ишларига қатнашишга болаларни жалб этишда қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари ўтказиш. | Ахборот-тушунтириш ишлари жадвали, дастури | Тасдиқлаш — 2008 йил сентябрь<br>Амалга ошириш — 2009 йил | Фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ЮНИСЕФ** |
| 34. | Болалар ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан меҳнат соҳасида таъминлаш ва болалар меҳнатининг оғир шаклларига йўл қўймаслик масалалари бўйича ахборот материаллари (плакатлар, постерлар) ишлаб чиқиш ва ўқув юртларида тарқатиш. | ЮНИСЕФнинг молиявий иштирокида нашр проспекти ва ишлаб чиқиш жадвали | 2009 йил | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ЮНИСЕФ** |
| 35. | «Болаларнинг муҳофазаланганлигини таъминлайдиган муҳитни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш, унда:<br>— кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни;<br>— инфратузилмани ва ҳаётда оғир вазиятларга тушиб қолган болаларни қўллаб-қувватлаш методларини такомиллаштиришни назарда тутиш.<br>Ушбу лойиҳани аҳоли фаровонлигини ошириш минтақавий стратегияларига жорий этиш. | Лойиҳани амалга ошириш дастури, молиявий ҳужжатлар | Ишлаб чиқиш — 2009 йил 1 январгача<br>Амалга ошириш — 2009-2010 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЮНИСЕФ, Осиё тараққиёт банки, ПРООН |
| 36. | Минтақага мақсадли донор маблағларини жалб қилган ҳолда Оролбўйи минтақасида яшаётган болаларнинг фаровонлигини ошириш учун қулай муҳит яратишни назарда тутадиган 2009-2010 йиллар учун «Орол болалари» халқаро дастурини ишлаб чиқиш. | Дастурни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарори | Ишлаб чиқиш — 2009 йил II чорак<br>Амалга ошириш — 2009-2010 йиллар | Орол генофондини ҳимоя қилиш жамғармаси, ЮНИСЕФ**, ПРООН**, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари |
| 37. | Кам таъминланган оилалар учун болалар меҳнатига иқтисодий муқобил чоралар сифатида, шу жумладан аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилишига кўмаклашиш мақсадида айниқса узоқ қишлоқ ва тоғли туманларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва мавжуд иш ўринлари самарадорлигини ошириш бўйича инновация дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Ижрочилар томонидан тасдиқланган дастурлар | 2009-2010 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Осиё тараққиёт банки, ПРООН, халқаро донор ташкилотлар |

***Изоҳлар:***

** Миллий ҳаракатлар режасида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш ижрочилар маблағлари ва халқаро ташкилотлардан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.*

*** Молиявий ёрдам, консультация бериш, келишилган қўшимча дастурларни амалга ошириш.*

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ЯНГИЛИКЛАРИ

***22-26 сентябрда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва Халқаро аудит стандартлари (ХАС)га киритилган сўнгги ўзгартишларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унинг ташаббускори ва ташкилотчиси Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси бўлди. Тингловчилар Қозоғистон МҲХС ва ХАСга ўтиш тажрибаси билан қизиқиб танишдилар, бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Аудиторлар палатасининг сифатни назорат қилиш қўмитаси раиси Розия ТОИПОВА ҳикоя қилиб берди.***

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қўшниларимиз 1997 йилда МҲХС ва US GAAP (АҚШ ҳисоб стандартлари) асосида ишлаб чиқилган Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби стандартлари пакетини қабул қилишдан бошладилар. Айни вақтда Қозоғистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига 2005 йилдан йирик компанияларнинг, 2006 йилдан эса қолган компанияларнинг МҲХСга ўтиши тўғрисидаги қоидалар киритилди. Ана шу даврда Осиё тараққиёт банки билан биргаликда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашга доир услубий тавсиялар тайёрланди.

2005 йилда ҚРнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритилди, уларга мувофиқ МҲХСга ўтиш фақат йирик бизнес корхоналари учун мажбурий бўлди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари Қозоғистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини қўллайдилар ёки ҳисоб ва ҳисоботни МҲХС стандартлари бўйича ихтиёрий равишда юритишлари мумкин. Шунингдек оммавий ташкилотларнинг бош бухгалтерларини профессионал сертификатга эга бўлишга мажбур этадиган меъёр жорий қилинди.

Розия Тоипова тингловчиларни МҲХСга киритилган ва 2009 йил 1 январдан кучга киритиладиган асосий ўзгартишлардан хабардор қилди. Ана шу стандартларнинг ҳар бирига киритилган янгиликларнинг моҳиятига қисқача тўхталамиз.

**1 МҲХС (IAS) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш».** *1 МҲХС (IAS)нинг янги таҳрири чиқарилиши МҲХС бўйича қўмита ва АҚШ Молиявий ҳисоб стандартлари бўйича кенгашнинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва US GAAPни конвергенциялашга доир қўшма лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ. Киритилган ўзгартишлар FAS 130-«Жами даромад тўғрисидаги ҳисобот»ни МҲХС (IAS)га мувофиқлаштиришга йўналтирилган.*

Янги талабларнинг бири молиявий ҳисобот компонентларини бир ҳисобот доирасида тавсифлар ўхшашлиги асосида мувофиқлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, янги шакл – Жами даромад тўғрисидаги ҳисобот жорий этилди. Мулкдорлар билан операцияларга доир, ҳисобот даврида ташкилот капитали (соф активлари)даги ўзгартишлар Хусусий капитални ўзгартириш тўғрисидаги ҳисобот доирасида тақдим этилиши керак. Мулкдорлар билан боғланмаган, капиталдаги бошқа ўзгартишлар Жами даромад тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. «Жами даромад» (баъзи нашрларда «тўлиқ фойда») тушунчаси US GAAPнинг худди шундай тушунчасига ўхшаш ва унинг мулкдорлари манбаида турмаган, операциялар ёки бошқа воқеалар оқибатида ҳисобот давридаги компанияларнинг соф активлари ҳажмининг ўзгаришини англатади. Жами даромад унинг таркибида эътироф этиш мезонларига жавоб бермаслиги туфайли фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиб бўлмайдиган фойда (зарар) ва даромадлар ҳамда харажатлар бошқа турлари суммасидан (бошқа жами даромад) иборат. Бошқа жами даромад компонентлари қисмида тўғридан-тўғри капиталда акс эттирилиши керак бўлган даромадлар ва харажатлар турлари тўғрисида сўз боради.

Бошқа жами даромадга қуйидагилар киради:

– асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича резерв миқдоридаги ўзгартишлар (МҲХС (IAS) 16-«Асосий воситалар» ва МҲХС (IAS) 38-«Номоддий активлар» доирасида муқобил ёндашувни қўллаш чоғида), бундан тақсимланмаган фойда таркибида акс эттириладиган нархни тушириш мустасно;

– МҲХС (IAS) 19-«Ходимларга ҳақлар»га мувофиқ деб эътироф этилган, белгиланган тўловлар билан бирга режа бўйича актуар фойдалар ва зарарлар;

– хорижий корхоналарнинг молиявий ҳисоботи қайта ҳисоб-китоб қилинаётганида юзага келадиган даромадлар ва харажатлар (МҲХС (IAS) 21-«Валюта курсларини ўзгартиришнинг таъсири»);

– «сотиш учун нақд мавжуд бўлганлар» сифатида таснифланадиган, молиявий активларни қайта баҳолаётганда юзага келадиган фойда ва зарарлар (МҲХС (IAS) 39-«Молиявий дастаклар: эътироф этиш ва баҳолаш»);

– МҲХС (IAS) 39-«Молиявий дастаклар: эътироф этиш ва баҳолаш»нинг хеджирлаш дастаги самарали ҳисобланган қисмида пул маблағлари оқимларини хеджирлаш дастаги қийматини ўзгартириш.

Жами даромад тўғрисидаги ахборот икки кўринишда тақдим этилиши мумкин:

1) жами даромад тўғрисидаги ягона ҳисобот (1-жадвал);

2) икки ҳисобот кўринишида: фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг якуний натижаси ва бошқа жами даромад компонентларини ўз ичига олган жами даромад тўғрисидаги ҳисобот (2 ва 3-жадваллар).

Иккинчи вариант ҳозирги вақтда амалда бўлган ҳисоботга тўлиқ мувофиқ келади, фақат бошқа номга эга.

*1-жадвал*

**31 декабрда тугайдиган йил учун жами даромад тўғрисидаги ҳисоботга мисол**

| *Кўрсаткичлар* | *Давр* | *Давр* |
|---|---|---|
| **ОДДИЙ ФАОЛИЯТ** | | |
| Тушум | | |
| Таннарх (чегирилади) | | |
| **Ялпи фойда** | | |
| Бошқа даромадлар | | |
| Тижорий харажатлар (чегирилади) | | |
| Маъмурий харажатлар (чегирилади) | | |
| Тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар (чегирилади) | | |
| Бошқа харажатлар (чегирилади) | | |
| **Операцион фаолиятдан фойда** | | |
| Молиявий даромадлар | | |
| Молиявий харажатлар (чегирилади) | | |
| **Соф молиявий харажатлар (чегирилади)** | | |
| Улушли иштирок этиш усули билан ҳисобга олинадиган инвестициялардаги улуш (фойда солиғи ҳисоблаб ёзилганидан кейин) | | |
| **Солиқ солишгача фойда** | | |
| Фойда солиғи (чегирилади) | | |
| **Оддий фаолиятдан фойда** | | |
| **ТУГАТИЛГАН ФАОЛИЯТ** | | |
| Тугатилган фаолиятдан фойда (зарар) (фойда солиғи ҳисоблаб ёзилгандан кейин) | | |
| **Давр учун фойда** | | |
| **ЖАМИ ДАРОМАДНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ** | | |
| Хорижий корхоналарга инвестициялар бўйича курс фарқи | | |
| Соф инвестицияни хорижий корхонага хеджирлашдан соф зарар | | |
| Асосий воситаларни қайта баҳолаш | | |
| Пул оқимларини хеджирлаш (чегирилади) | | |
| Сотиш учун нақд мавжуд бўлган молиявий қўйилмаларни қайта баҳолаш | | |
| Белгиланган тўловлар билан режа бўйича актуар даромадлар (зарарлар) | | |
| Жами даромаднинг бошқа турлари бўйича фойда солиғи (чегирилади) | | |
| **Фойда солиғи ҳисоблаб ёзилганидан кейин жами даромаднинг бошқа турлари** | | |
| **Давр учун жами даромад** | | |
| **Қуйидагиларга тегишли давр учун фойда:** | | |
| компания мулкдорларига | | |
| миноритарийларга | | |
| **Давр учун фойда** | | |
| **Қуйидагиларга тегишли жами даромад:** | | |
| компания мулкдорларига | | |
| миноритарийларга | | |
| Давр учун жами даромад | | |
| **Акцияга фойда** | | |
| Акцияга базавий фойда | | |
| Акцияга ажратилган фойда | | |
| **Акцияга оддий фаолиятдан фойда** | | |
| Акцияга базавий фойда | | |
| Акцияга ажратилган фойда | | |

*2-жадвал*

**31 декабрда тугайдиган йил учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга мисол**

| *Кўрсаткичлар* | *Давр* | *Давр* |
|---|---|---|
| **ОДДИЙ ФАОЛИЯТ** | | |
| Тушум | | |
| Таннарх (чегирилади) | | |
| **Ялпи фойда** | | |
| Бошқа даромадлар | | |
| Тижорий харажатлар (чегирилади) | | |
| Маъмурий харажатлар (чегирилади) | | |
| Тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар (чегирилади) | | |
| Бошқа харажатлар (чегирилади) | | |
| **Операцион фаолиятдан фойда** | | |
| Молиявий даромадлар | | |
| Молиявий харажатлар (чегирилади) | | |
| **Соф молиявий харажатлар (чегирилади)** | | |
| Улушли иштирок этиш усули билан ҳисобга олинадиган инвестициялардаги улуш (фойда солиғи ҳисоблаб ёзилганидан кейин) | | |
| **Солиқ солишгача фойда** | | |
| Фойда солиғи (чегирилади) | | |
| **Оддий фаолиятдан фойда** | | |
| **ТУГАТИЛГАН ФАОЛИЯТ** | | |
| Тугатилган фаолиятдан фойда (зарар) (фойда солиғи ҳисоблаб ёзилгандан кейин) | | |
| **Давр учун фойда** | | |
| **Акцияга фойда** | | |
| Акцияга базавий фойда | | |
| Акцияга ажратилган фойда | | |
| **Акцияга оддий фаолиятдан фойда** | | |
| Акцияга базавий фойда | | |
| Акцияга ажратилган фойда | | |

*3-жадвал*

**31 декабрда тугайдиган йил учун жами даромад тўғрисидаги ҳисоботга мисол**

| *Кўрсаткичлар* | *Давр* | *Давр* |
|---|---|---|
| **Давр учун фойда** | | |
| **ЖАМИ ДАРОМАДНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ** | | |
| Хорижий корхоналарга инвестициялар бўйича курс фарқи | | |
| Соф инвестицияни хорижий корхонага хеджирлашдан соф зарар | | |
| Асосий воситаларни қайта баҳолаш | | |
| Пул оқимларини хеджирлаш (чегирилади) | | |
| Сотиш учун нақд мавжуд бўлган молиявий қўйилмаларни қайта баҳолаш | | |
| Белгиланган тўловлар билан режа бўйича актуар даромадлар (зарарлар) | | |
| Жами даромаднинг бошқа турлари бўйича фойда солиғи (чегирилади) | | |
| **Фойда солиғи ҳисоблаб ёзилганидан кейин жами даромаднинг бошқа турлари** | | |
| **Қуйидагиларга тегишли жами даромад:** | | |
| компания мулкдорларига | | |
| миноритарийларга | | |
| **Давр учун жами даромад** | | |

Стандартнинг янги таҳририда ҳисобот баъзи шаклларининг номлари ўзгартирилган: «Бухгалтерия баланси» ўрнига «Молиявий аҳвол тўғрисида ҳисобот», «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» ўрнига «Жами даромад тўғрисида ҳисобот» ва ҳоказо. Амалдаги ва янги таҳрирларда ҳисобот шакллари таркибини 4-жадвалда таққослаймиз.

*4-жадвал*

**Молиявий ҳисобот таркибидаги ўзгаришлар**

| *1 МҲХС (IAS) амалдаги таҳрири* | *1 МҲХС (IAS) янги таҳрири* |
|---|---|
| Баланс | Молиявий аҳвол тўғрисида ҳисобот |
| Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот | Жами даромад тўғрисида ҳисобот ёки фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот ва жами даромад тўғрисида ҳисобот |
| Хусусий капиталдаги ўзгартишлар тўғрисида ҳисобот | Хусусий капитални ўзгартиришлар тўғрисида ҳисобот |
| Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот | Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот |
| Ҳисоб сиёсатининг асосий бўлимлари ва бошқа тушунтиришларни ўз ичига оладиган ҳисоботга изоҳлар | Ҳисоб сиёсатининг асосий бўлимлари ва бошқа тушунтирувчи ахборотни ўз ичига оладиган ҳисоботга изоҳлар |

**МҲХС (IAS) 27-«Консолидацияланган ва алоҳида молиявий ҳисобот».** *27 МҲХС (IAS) номи ўзгарган (илгари у «Консолидацияланган молиявий ҳисобот» деб аталарди). Шуни таъкидлаш лозимки, стандарт билан консолидациялашга амалдаги фундаментал ёндашувлар қайта кўриб чиқилмаган. Асосий ўзгартишлар қуйидагиларга тааллуқли бўлди:*

– консолидацияланган молиявий ҳисоботда шуъба компанияларга инвестицияларни ҳисобга олиш вариантлари сонининг қисқариши;

– ҳисоб сиёсатига талаблар;

– бош ва шуъба компаниялар алоҳида ҳисоботларининг ҳисобот санасини аниқлаш;

– озчилик улушини олиш ва унинг устидан назоратни йўқотишга нисбатан ҳисобга доир ёндашувнинг ўзгаришлари.

Барча шуъба компаниялар консолидацияланиши керак, бундан икки ҳолат мустасно – агар:

– уларга инвестициялар 5 МҲХС (IFRS) мезонларига жавоб берса;

– шуъба компания фаолиятининг кўрсаткичлари муҳим бўлмаса.

**МҲХС (IFRS) 5-«Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активларнинг чиқиб кетиши ва тугатилган фаолият»** мезонларига жавоб берадиган шуъба компания инвестициялар мазкур МҲХСга биноан ҳисобга олиниши керак. Яъни сотиш харажатларини чегирган ҳолда баланс ва адолатли қийматлардан энг ози бўйича. Бундай шуъба компаниялар консолидацияда иштирок этмайди.

5 МҲХС (IFRS)нинг мувофиқлик мезонлари қуйидагилардир:

– инвестицияларнинг баланс қиймати сотиш орқали қопланади;

– менежмент фаоллик билан харидорни излайди;

– сотиш ҳисобот санасидан бошлаб 12 ой мобайнида кутилади.

**27 МҲХС (IAS)нинг эски таҳририга кўра шуъба компания, агар унинг маблағларни бош компанияга бериш имкониятини жиддий равишда камайтирадиган узоқ муддатли чекловлар мавжуд бўлса, консолидацияланиши керак эмас эди.**

Киритилган ўзгартишларга кўра бош ва шуъба компаниялар бирор-бир истисноларсиз ягона ҳисоб сиёсатини қўллашлари керак.

*Илгари ягона ҳисоб сиёсатидан фойдаланишнинг амалда мумкин эмаслиги тўғрисида қайд амал қиларди. Ушбу ҳолда компания консолидацияланган молиявий ҳисобот моддаларида тегишли ахборот ва турли ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳисобга олинадиган объектларнинг улуши тўғрисидаги маълумотларни очиб берган.*

Бошқа талаб бош ва шуъба компанияларнинг улар базасида консолидацияланган молиявий ҳисобот тайёрланадиган – у ягона бўлиши керак – алоҳида ҳисоботларининг ҳисобот санасига тақдим этилади. Саналар турлича бўлганида шуъба компания бош компаниянинг ҳисобот санасига қўшимча ҳисобот тузади. Буни амалга ошириб бўлмаган тақдирда ҳисобот саналари ўртасидаги узилиш уч ойдан кўп бўлмаганда

12-бетда

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ЯНГИЛИКЛАРИ

11-бетда

аҳамиятга молик воқеаларга тузатишлар киритилади.

Аввалги таҳрир фақат ҳисобот саналари ўртасидаги узилиш уч ойдан ошмаганда аҳамиятга молик воқеаларга тузатишлар киритиш билан чекланган эди.

Назорат қилинмайдиган акциядорлар (озчилик) улуши – шуъба компания фойдаси зарари ва соф активларининг бош компания эгалик қилмайдиган унинг капиталидаги улушига тўғри келадиган қисми.

Шуъба компаниянинг соф активларида озчиликнинг улуши 3 МҲХС (IFRS)га кўра харид қилинганида озчиликнинг улуши учун эътироф этилган суммани ва бизнес бирлаштирилган пайтдан бошлаб капиталнинг ўсишида/камайишида озчиликнинг улушини ўз ичига олади.

*Эски таҳрирда озчиликнинг улуши компаниянинг мажбуриятлари ва капиталидан алоҳида тақдим этилган.*

Шуъба, биргаликда назорат қилинадиган ва уюшган компанияларга инвестициялар қуйидагича акс эттирилади:

– ҳақиқий харажатлар бўйича ёки 39 МҲХСга мувофиқ;

– сотиш учун мўлжалланганлари – МҲХС (IFRS) 5-«Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активларнинг чиқиб кетиши ва тугатилган фаолият»га мувофиқ.

*Эски таҳрирда шуъба компанияларга инвестициялар ҳақиқий харажатлар бўйича ёки 39 МҲХСга мувофиқ акс эттирилади.*

Тақсимланмаган гуруҳ резервларининг ҳисоб-китоби ўзгартирилди:

– гудвилл амортизация қилинмайди. Бинобарин, резервлар суммаси уни амортизациялаш суммасига камайтирилмайди;

– гудвилл нархининг тушиши ҳар йили текширилади – унинг нархи тушишидан зарар аниқланганида тақсимланмаган гуруҳ резервлари ушбу зарар суммасига камайтирилади.

Консолидацияланган резервлар – бош компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ва фондлари ҳамда шуъба компаниянинг резервларидаги олинганидан кейин шакллантирилган бош компания улуши.

**МҲХС (IFRS) 1-«МҲХСни биринчи марта қабул қилиш»**

ПКИ 8-«МҲХС (IAS)ни биринчи марта ҳисобнинг базавий асоси сифатида қўллаш» бекор қилинди. МҲХС (IFRS)ни биринчи марта қўллаётган компаниялар:

– МҲХС (IFRS)га тўлиқ мувофиқ келадиган ҳисоб сиёсатини тасдиқлашлари;

– МҲХС (IFRS)га мувофиқ биринчи марта тайёрланган ҳисобот учун қиёслама маълумотларнинг қийматини ҳисоблашлари;

– МҲХС (IFRS)га мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлашлари керак.

1 МҲХС (IFRS) барча Халқаро стандартларни ретроспектив қўллашни тақозо этади, ихтиёрий ёки мажбурий истиснолар бундан мустасно. Ихтиёрий истиснолар ўз ичига 14 ҳолатни олади: компанияларни бирлаштириш, асосий воситалар, инвестицион кўчмас мулк, номоддий активлар, ходимларга ҳақлар, жамғарилган курс фарқлари, комбинацияланган молиявий дастаклар ва ҳоказо. Ретроспектив қўллаш учун мажбурий истиснолар рўйхатига қуйидагилар киритилган: молиявий активлар ва мажбуриятларни эътироф этишни, баҳолашни тугатиш, хеджирлаш ҳисоби.

МҲХС (IFRS) биринчи марта қўлланганида молиявий ҳисобот «МҲХС (IFRS)га мувофиқлик тўғрисида очиқ шаклда ифодаланган баёнот»ни ўз ичига олиши керак. У қуйидаги ҳолларда МҲХС (IFRS)га мувофиқ келмайди, агар:

– МҲХС (IFRS)га мувофиқлик тўғрисида баёнот очиқ шаклда ифодаланмаган бўлса;

– МҲХС (IFRS)нинг барча жиҳатларига мувофиқ бўлмаса;

– МҲХС (IFRS) маҳаллий ҳисобга олиш қоидалари камчиликларини тўлдириш учун ишлатилса.

**МҲХС (IFRS) 3-«Бизнесни бирлаштириш»**

Стандарт бизнесни (алоҳида компанияларни ҳисобот берувчи битта компанияга) бирлаштиришга ҳисобга оид ёндашувларни анчагина ўзгартиради, у:

– бошқа компаниянинг капиталини харид қилиш;

– бошқа компаниянинг барча соф активларини харид қилиш;

– бошқа компаниянинг мажбуриятларини эътироф этиш;

– бошқа компаниянинг биргаликда бизнеснинг бир ёки бир неча турларини ташкил қиладиган активлари бир қисмини харид қилиш кўринишида ўтказилиши мумкин.

Бизнеснинг барча бирлашмалари харид қилиш усулини қўллаган ҳолда ҳисобга олиниши, яъни харидор ҳисобида, ҳатто агар амалда уларни бирлаштириш юз берсада, бир компания томонидан бошқа компаниянинг сотиб олиниши сифатида акс эттирилиши керак. Харидор соф активларни харид қилади ва активлар, мажбуриятлар ва шартли мажбуриятларни ҳисобга олади.

**МҲХС (IFRS) 8-«Сегмент ҳисоботи»**

8 МҲХС (IFRS) МҲХС (IAS) 14-«Сегмент ҳисоботи» ўрнига жорий этилган. Уни қарзга оид ва улушли дастаклари кимошди савдосида сотилаётган (ёки ўз молиявий ҳисоботини тегишли органларга тақдим этмоқчи бўлган) компаниялар қўллайди. 8 МҲХС (IFRS) ҳам, худди 7 МҲХС (IFRS) сингари, компаниянинг операцион фаолиятини раҳбарият позициясидан туриб қараб чиқади.

8 МҲХС (IFRS)га кўра операцион сегмент бўлиб компаниянинг қуйидаги компоненти ҳисобланади:

– тушум олиш ва харажатлар қилишни (шу жумладан биргина компаниянинг бошқа компонентлари билан операцияларни содир этиш билан боғлиқ тушум ва харажатларни) назарда тутадиган хўжалик фаолиятини амалга оширадиган;

– сегментга ресурслар ажратиш ва унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида операцион қарорлар қабул қиладиган компаниянинг масъул шахси мунтазам таҳлил қиладиган фаолият натижалари;

– унга доир алоҳида молиявий ахборот мавжуд бўлгани.

8 МҲХС (IFRS) сегментларни ажратаётганда операцион сегмент кўрсаткичларини баҳолаш ва ресурсларни сегментларга тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилиш учун ички ҳисоботлардан келиб чиқишни талаб этади.

*14 МҲХС (IAS) сегментларнинг икки тоифасини ажратишни талаб қилган: боғланган маҳсулот ва хизматлар асосида; географик минтақалар бўйича. Бунда биринчи тоифа бирламчи сегментлар, бошқаси иккиламчи сегментлар сифатида қаралган.*

Сегментга оид ахборотни баҳолаш ва уни очишга ёндашувлар ҳам ўзгартирилган.

**МҲХС (IAS) 34-«Оралиқ молиявий ҳисобот»**

Оралиқ молиявий ҳисоботнинг минимал таркибига қуйидагилар киради:

– қисқача бухгалтерия баланси;

– жами даромад тўғрисида қисқача ҳисобот;

– пул маблағлари ҳаракати тўғрисида қисқача ҳисобот;

– капиталнi ўзгартиришлар тўғрисида қисқача ҳисобот;

– молиявий ҳисоботга танланган изоҳлар.

34 МҲХС (IAS) қисқартирилган ҳисобот шаклларида кам деганда энг охирги йиллик ҳисоботда акс эттирилган барча сарлавҳалар ва оралиқ якуний кўрсаткичлар кўрсатилишини, шунингдек молиявий ҳисоботга изоҳлар тақдим этилишини талаб қилади. Уларни кўрсатмаслик ҳисоботни бузиб, ундан фойдаланувчини чалғитиши мумкин бўлган ҳолда қўшимча моддалар ёки изоҳлар киритилади.

**МҲХС (IAS) 40-«Инвестицион кўчмас мулк»**

Инвестицион кўчмас мулк – ижара ҳақи, капитал қийматининг ўсишидан даромадлар ёки иккаласини олиш мақсадида (мулкдор ёки молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчининг) тасарруфида бўлган мол-мулк (ер ёки бино ёхуд унинг бир қисми ёки иккаласи). Инвестицион мол-мулкка:

– эгаси ёки ижарага олувчи томонидан товарлар ишлаб чиқариш, етказиб бериш, хизматлар кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган;

– оддий тижорий фаолият боришида сотиш учун мўлжалланган мулк кирмайди.

Агар:

– келгусида у иқтисодий наф келтириши эҳтимоли мавжуд бўлса;

– ва унинг қийматини ишончли тарзда баҳолаш мумкин бўлса, инвестицион мулк актив сифатида ҳисобга олинади.

Дастлаб у таннархи бўйича баҳоланади, унинг таркибига харид қилинган инвестицион кўчмас мулк нархи ва исталган бевосита харажатлар киради.

Инвестицион мулкни эътирофдан кейинги баҳолаш компаниянинг танлашига боғлиқ: у адолатли қийматга ёки 16 МҲХС (IAS)га мувофиқ ҳисоб модели бўйича амалга оширилиши мумкин. Унинг объекти адолатли қийматини ўзгартиришлар юзага келган даврда жами даромад тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

**МҲХС (IFRS) 7-«Молиявий дастаклар: ахборотни очиш»**

7 МҲХС (IFRS)нинг асосий мақсади – компания, раҳбариятнинг нуқтаи назарига кўра, қандай молиявий хатарларга дучорлигини, шунингдек уларни бошқариш усулларини кўрсатиш. 7 МҲХС (IFRS) ахборотни очишга бўлган талабларни кенгайтиради ва очиладиган маълумотларнинг кўпчилиги муҳим бошқарув ходимларига тақдим этиладиган ички ахборотга (ички бошқарув ҳисоботига) таяниши керак. Миқдорий ва сифатли ахборот кредит хатари, ликвидлик хатари ҳамда бозор хатарига мойилликни ўз ичига олади.

7 МҲХС (IFRS)ни очишга доир асосий янги талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– кредит хатари бўйича ахборотни; унда муддати ўтган дебиторлик қарзи таҳлили мавжуд, бундай қарзда қадрсизланиш бўлмайди (бошқача айтганда, сўндириш муддатлари ўтган, бироқ раҳбарият унинг қадрсизланишига резерв барпо этиш зарурати йўқ деб ҳисоблайдиган дебиторлик қарзида);

– бозор хатарлари бўйича, шу жумладан фоиз ставкалари даражасини ўзгартириш хатари валютага оид ва бошқа нарх хатарлари бўйича ахборотни, у компания дучор бўлган бозор хатарларининг ҳар бир тури бўйича сезувчанлик таҳлилини ўз ичига олади. Хатарнинг таркибий қисми оқилона доирадаги диапазонда ўзгарган тақдирда ушбу таҳлил компаниянинг фойдаси ва унинг капитали қандай ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, компаниянинг фойдаси ёки капиталига АҚШ долларининг сўмга ёки бозорнинг фоизли ставкасига нисбатан курси ҳар қандай оқилона эҳтимолий ўзгариши қандай таъсир қилишини;

– ликвидлик хатарини очишга талабларни; молиявий мажбуриятларни сўндириш муддатлари таҳлилини ўз ичига олади, унда сўндиришнинг шартномавий муддатлари, шунингдек ликвидлик хатарини бошқариш усуллари тавсифи кўрсатилади.

Розия Тоипова шунингдек Халқаро аудит стандартлари (ХАС)даги охирги ўзгартиришлар тўғрисида ҳикоя қилди. Ишончлиликни ифодалаш бўйича келишувлар учун концептуал асосда (стандартлар ҳисобланмайди) уларни қўллаш мақсадлари ва соҳалари белгиланган. Аудиторлик ҳужжатларига, аудиторлик ҳужжатлари шакллари, мазмуни ва миқёсига доир талабларга нисбатан баъзи қоидалар ўзгартирилди.

***Розия ТОИПОВА тингловчиларнинг кўп сонли саволларига жавоб берди. Уларнинг баъзиларига жавоблар, фикримизча, газетхонларимизга ҳам қизиқарли бўлади.***

***? Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича резерв суммасини устав капиталини тўлдиришга йўналтириш мумкинми?***

– Қизиқарли савол. Қайта баҳолашга доир резерв аста-секин тақсимланмаган фойдага ўтказилади. Ишлаб топилган фойда йил мобайнида ҳисоблаб ёзилган амортизация доирасида тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин. Тақсимланмаган фойда эса устав капиталини тўлдиришга йўналтирилиши мумкин. Амортизацияланиб бўлган қисм ишлаб топилган фойда ёки ишлаб топилган капитал ҳисобланади. МҲХСда жами даромад тўғрисидаги ҳисоботда капитал билан операциялар ва фойдага тааллуқли бўлган операциялар аниқ ажратилиши бежиз эмас. Агар фойда ишлаб топилган бўлса, у сизнинг капиталингиздир. У ишлаб топилмагунча компаниянинг капитали ҳисобланмайди.

***? Бироқ қайта баҳолаш суммаси – мол-мулк қиймати ўсишининг натижаси эмасми?***

– МҲХС асосий воситаларни қайта баҳолашни реализация қилинган фойда сифатида киритиш ва талқин қилишга рухсат бермайди. Қайта баҳолашдан резерв 1 МҲХСга кўра алоҳида линияли модда сифатида ажратилиши керак.

Бундан ташқари, бозордаги вазият ўзгариши мумкин. Масалан, асосий воситаларга нархлар пасайган. Бинобарин, қопланадиган қиймат ҳам пасаяди. Ана шунда корхона объектнинг қийматини камайтириши лозим бўлади. Бундай вазиятда капитал ишлаб топилган ҳисобланмайди.

***? Такроран таснифланган – асосий воситалардан инвестицион мулк гуруҳига ўтказилган объектлар бўйича қайта баҳолашни нима қилиш мумкин? Масалан, инвестицион кўчмас мулк объекти арзонлаштирилади. Бу ҳолда, агар унга доир қайта баҳолаш бўйича резерв мавжуд бўлса, зарарни эътироф этиш зарурми? Ёки уни ушбу резерв ҳисобига ҳисобдан чиқариш мумкинми?***

– МҲХС 40-«Инвестицион мулк»-га биноан қайта баҳолаш бўйича резерв фақат инвестицион мулк объекти чиқиб кетаётганидагина тақсимланмаган фойдага кўчирилиши мумкин. Асосий воситалар объекти инвестицион мулкка қайта таснифланганида қайта баҳолаш бўйича резерв суммаси қайта баҳолаш бўйича резервда ҳисобга олинишда давом этади. Инвестицион мулкни қайта баҳолаш 40 МҲХСнинг 33-бандига мувофиқ амалга оширилади: барча зарарлар/фойдалар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот таркибига киритилади.

***? Компаниянинг қўшилган капитали эмиссион даромад ва устав капиталини шакллантираётганда юзага келган курс фарқини ўз ичига олади. МҲХС қўшилган капитални компания ишлаб топган капитал деб ҳисоблайдими ва у устав капиталини тўлдиришга йўналтирилиши мумкинми?***

– Қўшилган капитал мулкдор томонидан устав капиталига ўз улушини киритиши боис юзага келади, яъни у, моҳиятига кўра, қўйилган капиталдир. Шу сабабли уни «ишлаб топилган» деб ҳисоблаш ва компаниянинг устав капиталига йўналтириш мумкин.

***? Адолатли қиймат деганда нима тушунилади? У бозор қиймати ҳисобланадими?***

– Адолатли қиймат – яхши хабардор бўлган, бундай битим тузишни хоҳлайдиган ҳамда бир-биридан мустақил тарафлар ўртасида активни айирбошлаш мумкин бўлган сумма. Адолатли қиймат бозор қийматига тенг бўлиши мумкин. Бироқ баъзи вазиятларда бозор нархлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиб бўлмаслиги мумкин. Масалан, облигациялар бўйича актив бозор йўқ. Адолатли қиймат фақат муайян услубиятлар (дисконтланган пул оқимлари) қўлланган, бозор индикаторларидан фойдаланилган ҳолдагина аниқланиши мумкин.

***? МҲХС ваколатли органлар томонидан бериладиган муайян фаолият турларини амалга ошириш учун лицензияларни қандай ҳисобга олишни тавсия қилади?***

– Муайян фаолият турларини амалга ошириш учун компаниялар томонидан олинган лицензиялар номоддий активлар сифатида эътироф этилиши керак. Уларни олиш учун муайян маблағлар сарфланади, улар эътироф этиладиган номоддий актив қийматига киритилади. Ҳар ҳолда, компаниямиз ўз мижозларига лицензияни – муайян фаолият турлари билан шуғулланишга рухсатномани номоддий активлар таркибида акс эттиришни тавсия қилади.

***Миновар ТЎЛАХЎЖАЕВА,***
***Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси Кенгашининг раиси.***

